БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

№ 174 (16.257) • 26 июль 1975 йил, шанба • Баҳоси 2 тийин



Оқолтин районидаги Усмон Юсупов номли совхоз меҳнатчилари катта майдонларда маккажўхоридан юқори ҳосил етиштирдилар ва ўрим-йиғимни биринчилар қаторида бошлаб юбордилар. Ҳар гектар майдондан ўтган йилдагидан анча кўп силосбоп кўкпоя олинмоқда ва силос бостирилмоқда. **Суратда:** бўлим бошқарувчиси **Л. Икромов** ва бригадир **А. Умаров** ўртоқларни маккажўхори пайкалида кўриб турибсиз. Маккажўхорикорлар бултургидан икки баравар кўп силос бостириш учун курашмоқдалар.

А. Тўраев фотоси.

САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

Л. И. Брежнев, Н. В. Подгорний, А. Н. Косигин ўртоқлар Монкада казармасига тарихий ҳужум қилинган кунинг 22 йиллиги муносабати билан Куба Коммунистик партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари, Куба Республикаси Революцион ҳукуматининг Бош министри ўртоқ Фидель Кастро Русга, Куба Республикасининг президенти ўртоқ Освальдо Дортикос Торрадога табрик телеграммаси юбордилар.

Сизларнинг байрамингиз, дейилади телеграммада, совет кишиларига азиз ва қадрлидир. Бу байрам Куба революцияси ғалабасининг дебочаси бўлган, Кубанинг мустақил ривожланиш йўлига, социализм йўлига ўтишига асос солган тарихий воқеаларни эслатади.

Бу йўлда Куба эришган муваффақиятлар озодлик, социал тараққиёт йўлида курашаётган кўпгина халқлар учун илҳомбахш намуна бўлди. Чуқур ижтимоий ўзгартишлар амалга оширилганлиги ва хўжалик соҳасида катта муваффақиятларга эришилганлиги маориф, фан, маданият, соғликни саклаш юксалганлиги, халқ оммасининг турмуш, меҳнат ва маиший шароитлари яхшиланганлиги, революцион курашингизнинг меваларидир. Марксизм-ленинизм ғояларига, пролетар интернационализмининг олий принципларига таянувчи Куба халқи ўз революциясининг буюк кунини яккол намойиш қилди. Кубани иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан камал қилишдан иборат империалистик сиёсат бутунлай пуч бўлиб чиқди. Социалистик ҳамдўстликнинг аъзоси бўлган Куба социализмнинг муштарак ишига, барча халқларнинг озодлиги ва ҳақиқий тенг ҳуқуқлиги учун курашга салмоқли ҳисса қўшмоқда, миллий озодлик ҳаракатида муносиб обрў орттирган.

Совет кишилари, деб таъкидланади телеграммада, мамлакатларимиз ўртасида таркиб топган қардошларча дўстлик, бирдамлик, ҳар томонлама ҳамкорлик муносабатларини юксак қадрламоқда. Бу муносабатлар йил сайин ривожланиб ва мустаҳкамланиб бормоқда. Биз шу чинакам интернационалистик муносабатларни ривожлантиришга бундан буён ҳам ҳар томонлама кўмаклашавераміз.

Революцион байрам куни, Куба Компартияси билан бутун меҳнаткаш халқи Куба революцияси тарихидаги буюк воқеага — Куба Коммунистик партиясининг I съездига ҳозирлик кўраётган йилда совет раҳбарлари азиз дўстларга социалистик қурилишда, ўз ватанининг равнақи йўлидаги олижаноб меҳнатда янги катта муваффақиятлар тиладилар.

Америка Қўшма Штатларининг президенти ЖАНОБ ЖЕРАЛЬД ФОРДГА

ВАШИНГТОН, ОҚ УЙ

Муҳтарам жаноб Президент, совет космик кемаси «Союз» билан Американинг космик кемаси «Аполлон»нинг тарихда биринчи биргалашиб учиши ва туташиши муваффақиятли тугаганлиги муносабати билан совет халқи ва шахсан ўз номимдан Сизга ва Америка Қўшма Штатлари халқига самимий табриклар юбораман. Бизнинг қутлов ва энг яхши истакларимизни америкалик мард космонавтлар Томас Стаффордга, Вэнс Брандга, Дональд Слейтонга ҳамда «Союз—Аполлон» программасини тайёрлаш ва амалга оширишда катнашган америкалик олимлар, конструкторлар, мутахассислар ва ишчиларга ҳам топширишингизни сўрайман.

«Союз» ва «Аполлон» космик кемаларининг учиши, Ер атрофи орбитасида уларнинг туташтирилиши ҳамда бир кема экипажининг иккинчи кемага ўтиши натижасида кемаларнинг одамнинг космосга учиш хавфсизлигини ошириш максадларида ишлаб чиқилган қўшма воситалари амалда текшириб кўрилди, шунингдек турли мамлакат вакилларининг космосда биргалашиб ишлаш имконияти намойиш қилинди. Ўтказилган биргалашиб учиш космик фазони тинчлик мақсадларида тадқик этиш ва ундан фойдаланишда СССР билан АҚШ ўртасидаги ҳамкорликда муҳим босқич бўлгани ҳолда бундан кейин шу соҳада ўтказилиши мумкин бўлган Совет — Америка ишларига замин қўяди.

Совет ва Америка экипажлари мураккаб учиш программасини бекаму-кўст бажарганликлари орқали шу катта эксперимент муваффақият козонди, мамлакатларимиз олимлари ва мутахассисларининг экспериментни тайёрлаш ва амалга оширишда мустаҳкам ва пухта ҳамкорлик килишларининг натижаси бўлди. Ўтказилган эксперимент муҳим илмий-техникавий ютук бўлиб, бугун инсониятнинг бахт-саодати йўлида космосни ўзлаштириб боришда янги-янги йўллар очади.

«Союз ва «Аполлон» кемаларининг учиши, тинч-тотув яшаш принциплари асосида халқаро кескинлик юмшаши ва Совет—Америка муносабатлари яхшиланиши жараёни сифатида тарихий аҳамиятга эга. Айни маҳалда у СССР билан АҚШ ўртасида иккала мамлакат халқлари манфаатларини, Ер юзида тинчлик манфаатларини йўлидаги ўзаро фойдали ҳамкорликни янада ривожлантириш ишига қўшилган амалий ҳиссадир.

Л. БРЕЖНЕВ.

МУДДАТИДАН ИЛГАРИ

Тошкент шаҳридаги саноат корхоналарининг коллективлари КПСС XXIV съезди қарорларини амалга ошира бориб, маҳсулотни реализация қилиш ва буюмлардан муҳим турларининг кўпчилигини ишлаб чиқариш юзасидан етти ойлик топшириқни муддатидан олдин бажардилар. Бу муваффақиятга Собир Раҳимов, Октябрь, Чилонзор, Фрунзе районларининг меҳнатчилари айниқса катта ҳисса қўшдилар. Январь-июль ойлари программасига қўшимча суратда ҳозирдаёқ кўплаб машина ва приборлар, тракторлар ва трактор прицеплари, электр энергия, тикилган буюмлар ва тайёр буюмлар ҳамда бошқа хил маҳсулот ишлаб чиқарилди. «Ташсельмаш», «Таштекстильмаш» заводларининг, Абразив комбинатининг, «Малика» ҳамда Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллиги номли фирмаларнинг, шоли ва сут комбинатларининг, бошқа корхоналарнинг коллективлари июль ойида астойдил меҳнат қилдилар.

Республика пойтахтининг саноати плондан ташқари 50 миллион сўмликдан кўпроқ ҳар хил маҳсулот ишлаб чиқаради ва реализация қилади.

(ЎзТАГ).

ЮКСАК МАЖБУРИЯТ

Планда кўзда тутилган 64 минг тонна ўрнига 68 ярим минг тонна пахта етиштирамиз! Каттақўрғон район қишлоқ хўжалик меҳнатчиларининг кўпи кеча бўлиб ўтган йиғилишида ана шундай юксак мажбурият қабул қилинди.

Ленин номли колхоз пахтакорлари 12 минг тонна «оқ олтин» тайёрлашга сўз бердилар. Карл Маркс номли, Тельман номли, «Чимбойобод», «Пролетарий» колхозлари гектаридан 40 центнердан «оқ олтин» хирмони кўтаради. Умуман район бўйича ҳосилдорлик бир йилда 2,8 центнер кўтарилиб, 35 центнерга етказилади.

Олинган юксак мажбуриятни қоплайдиган даражада ҳосил етиштириш учун пахта майдонларида 45 кунлик зарбдор меҳнат вахтаси эълон қилинди.

Йиғилишда Самарқанд область партия комитетининг биринчи секретари Б. Р. Раҳимов қатнашди, Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси Н. Ж. Худойбердиев нутқ сўзлади.

Ф. НУРУЛЛАЕВ.

СЪЕЗД ШАРАФИГА

ПОП, (Наманган области). Райондаги «Ленинград» колхозининг Х. Бозорбоев бошлиқ пахтачилик бригадаси ўз зиммасига янги социалистик мажбурият қабул қилди. 95 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 45 центнердан ёки илгари белгиланганидан беш центнер кўп «оқ олтин» олишга қарор қилинди. Мўл ҳосил етиштирилаётганлиги туфайли ана шундай оширилган мажбурият қабул қилинди. Ҳосил тўплаш графикда белгиланганидан илдам бормоқда. Бу график эса бригада КПСС XXV съезди шарафига зарбдор меҳнат вахтасида турган пайтда тузилган эди. Меҳр билан парвариш қилинганлиги туфайли ўсимликлар ўтган йилдагидан тезроқ ривожланмоқда. Ҳар бир тупда ҳозирдаёқ 7-8 тадан кўсак бор. Ғўзалар чеканка қилинмоқда, шарбат суви бериш йўлга қўйилган.

БЕШ ЙИЛЛИК МАРРАЛАРИ

Мажбурият олдикми—бажарамиз!

ИЗЛАНИШ САМАРАЛАРИ

Партиямизнинг XXV съездини чақириш ҳақидаги хабар коммунизм моддий-техника базасини бунёд этаётган халқимиз кучига-куч, ғайратига-ғайрат қўшиб юборди. Саноат корхоналари, қурилиш, транспорт ва алоқа ташкилотларида, барча коллективларда шонли Ленин партияси анжуманини муносиб кутиб олиш, тўққизинчи беш йиллик якунловчи йилини, умуман беш йиллик план-топшириқларини муддатидан илгари ошириб адо этиш ҳаракати янги погонага кўтарилди. Биз ана шу оммавий ҳаракатда корхонамизнинг меҳнатсевар, изланувчан, аҳил коллективи ҳам борлигидан, у ишлаб чиқаришнинг асосий иқтисодий-техникавий кўрсаткичлари бўйича йилдан-йилга зафар қучаётганидан фахрланамиз. Аммо биз бундай ютуқларга осонликча эришганимиз, тараққиёт йўлига бирданига чиқиб олганимиз йўқ. Яхшиси, гапни бундан бир неча йил олдин коллективимиз олдида кўндаланг бўлиб қолган масаладан бошлаб кўя қолай.

...Завод бирданига оқсаб қолди. Ўша коллектив, ўша механизмлар тўла ишлагани ҳолда меҳнат унуми пасайиб кета бошлади. Қудралишга нималар сабаб бўлаётгани ҳаммамизни: раҳбарларни, ишчиларни, инженер-техникларни ўйлантириб қўйди. Ҳамма ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш йўлларини излашга тушди. Изланишда гап кўп экан.

— Ҳамма гап техникадан фойдаланиш коэффициентининг пасайиб кетаётганида! — деган хулосага келдик ишлаб чиқаришни синчиклаб ўргангач. — Муддат ўтиб бораётганига қарамай, заводнинг иккинчи навбатини ишга туширишни пайсалга солаётганимиз салбий таъсир кўрсатмоқда.

Иккинчи навбатни ишга туширишни учун кураш бошланди. Қўшимча равишда 20 машина ўрнатилди. 2-батарея ишга туширилди.

— Энди кўпроқ хом ашёни қуритиб беришга эришиш керак! — дейишди коммунистлар. — Бунинг учун қўшимча барабан ўрнатиш зарур.

Чиндан ҳам хом ашё нормадагидек қуруқ бўлса тола ва момиқнинг сифати, ишлаб чиқаришнинг суръати шунча яхшиланади. Иш унуми ошади. Бекор туришлар камаяди. Бу иш ҳам амалга оширилди. Қўшимча қуритиш барабанларининг ишга туширилиши ҳисобига заводга ҳар сменада илгаргига қараганда икки-уч ҳисса кўп — 150 тонна пахта қуритиб бериладиган бўлди. Бу ўз ўрнида ишлаб чиқаришни бир маромда олиб бориш учун муҳим имконият яратди.

Шундай қилиб ўша йил заводимизда бурилиш йили бўлди. Уч йилдан бери ўзининг иккинчи беш йиллиги ҳисобига ишлаётган заводимиз тараққиёт йўлига тушиб олди. Корхонамиз коллективи маҳсулот ишлаб чиқаришни беш йилликнинг дастлабки икки йилида 8 минг тоннадан 14 минг тоннага етказган эди. Бу йил эса шу соҳадаги кўрсаткични 14 минг тоннадан 18 минг тоннага етказиш учун курашилмоқда. Лойиҳа қувватда белгиланган 24,8 минг тоннага етказиш учун кураш самарали давом этмоқда. Коллектив маҳсулот ишлаб чиқариш графигини ортда қолдира бошлади.

Шу йилнинг олти ойи мобайнида эса заводимиз ишчилари белгиланганидан 444 тонна кўп, салкам 7 минг тонна тола ишлаб чиқаришга эришдилар. Ишчиларнинг техникадан самарали фойдалана бошлаганликлари туфайли заводда ҳар бир ишловчи ҳисобига маҳсулот ишлаб чиқариш юзасидан белгиланган марра 1,5 минг сўмга ошириб бажарилмоқда. Шу ҳисобда ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш ҳам белгиланганидан ярим миллион сўм ошиб кетди. Мамлакат тўқимачилик корхоналарига салкам 11 миллион сўмлик чўл пахтасининг толаси реализация қилинди.

Завод уч сменада унум билан ишлатилмоқда. Бошланғич партия ташкилоти билан ишчилар комитетининг биргаликда ишлаб чиққан моддий рағбатлантириш принципига кўра, тола олиш бўйича ойлик кўрсаткичини 600 тоннага, маҳсулотнинг сифат даражасини 55 процентга, момиқ ишлаб чиқариш бўйича сифат даражасини юз процентга етказган смена коллективига юз сўмдан мукофот тўланмоқда. Шунинг учун сменалараро мусобақа кенг қулоч ёймоқда. Бу мусобақада сменамиз пешқадамлик қилаётир.

Сменамизда ўзбек, тожик, татар, рус, қозоқ миллатига мансуб ёшлар баланд руҳ билан ишлашмоқда. Жумладан, Ж. Зойиров, И. Асаев, Н. Шафиқова, А. Козлова, И. Насибуллиналар пешқадамлик қилмоқдалар. Ҳамма:

— Сифатли маҳсулот ишлаб чиқарайлик! — шиори остида меҳнат қилмоқда, курашмоқда.

Ҳафтанинг биринчи иш куни заводда сифат куни деб эълон қилинган. Шу куни заводда илғор тажрибалар ўрганилади, қизиқарли лекция-суҳбатлар уюштирилади, ёш ишчиларнинг малакаси оширилади. Бу соҳада заводимиз коллективи Чиноз пахта тозалаш заводи билан мусобақалашмоқда. Ишчиларимиз Чиноз ва Гулистон заводларига бориб тажриба алмашиб туришади.

Заводимиз ишчилари КПСС XXV съезди шарафига меҳнат вахтаси эълон қилдилар. Айни пайтда улар съезд шарафига оширилган мажбуриятлар қабул қилишди. Бу мажбуриятлар умумлаштирилиб ҳамда имкониятлар ҳисобга олиниб, йиллик планни 27 декабрда эмас, 22 декабрдаёқ бажариш, плондан ташқари 464 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаришга эришиш шнори ўртага ташланди. Бу марранинг эгалланишига шубҳа қилмаса ҳам бўлади. Чунки, ишчиларимизнинг продаси мустаҳкам, қарори қатъий:

— Мажбурият олдикми, албатта, бажарамиз!

Ғ. ҲАЙДАРОВ,
Жиззах область, Пахтакор пахта тозалаш заводининг смена мастери.

«САЛЮТ-4»: ЕРГА ҚАЙТИШГА ТАЙЁРГАРЛИК

Учишни бошқариш маркази, 25 июль. (ТАСС). «Салют-4» станцияси ичидаги навбатдаги иш куни бугун Москва вақти билан соат 10 дан 30 минут ўтганда бошланди. Петр Климук билан Виталий Севастьянов станцияни учишнинг автоматик режимига ўтказиш ва транспорт кемасини Ерга қайтариб туширишга тайёргарлик кўриш операциясини тугалламоқдалар. Экипажнинг кечаги куни 25 июль соат 2 дан 30 минут ўтганда тугади. Шу кун давомида космонавтлар транспорт кемаси билан станциянинг турли системалари ва агрегатлари ишини текширдилар. Жумладан, «Союз-18» кемасининг двигатели синов учун ишга солиб кўрилди. «Салют-4» — «Союз-18» космик системасининг ҳаракат траекторияси кеча кечқурун ғўғрилаб қўйилгандан кейин унинг орбитаси параметрлари қуйидаги ҳолга келди:

— Ер юзидан энг кўп узоқлашуви — 369 километр;

— Ер юзидан энг кам узоқлашуви — 349 километр;

Орбитанинг оғиши — 51,6 градус;

— Айланиш даври — 91,5 минут.

Петр Климук билан Виталий Севастьянов ўзларини яхши ҳис қилмоқдалар. Орбитал станция билан «Союз-18» транспорт кемаси ичидаги системалар нормал ишлаб турибди.

САВДО ХОДИМЛАРИ КУНИ

Тошкентдаги Тельман номли маданият ва истироҳат боғининг ҳиёбонлари 25 июль куни Ўзбекистонда товар обороти ўсиши тўғрисида ҳикоя қилувчи плакатлар билан ясанди. Савдо ходимлари кунини тантанали равишда нишонлаш учун бу ерга минг-минглаб кишилар келишди. Тўй эгалари—сотувчилар ва молшунослар, пазандалар ва официантлар шаънига самимий табрик сўзлари айтилди.

Паркда байрамга бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Бу йиғилишда Ўзбекистон ССР савдо министри Ғ. Ғ. Юсупов нутқ сўзлади.

(ЎзТАГ).

ТАРИХИЙ ВАЗИФА МУВАФФАҚИЯТЛИ ТУГАЛЛАНДИ

ХЬЮСТОН, **учишни бошқариш** маркази, 25 июль. (ТАСС махсус мухбирлари). «Союз — Аполлон» программасига мувофик совет космонавтлари билан американалик астронавтларнинг инсоният тарихидаги биринчи қўшма космик парвози муваффакиятли якунланди. Ичига астронавтлардан Т. Стаффорд, В. Бранд ва Д. Слейтонлар тушган Американинг «Аполлон» космик кемаси бугун Москва вақти билан соат 00 дан 18 минут ўтганда Тинч океанда, Гавайи оролларидан тахминан 600 километр ғарбда эсон-омон сувга кўнди.

«Союз—Аполлон» экспериментининг сўнгги боскичи — «Аполлон»ни сувга кўндириш бундан бир неча кун мукаддам «Союз-19»ни юмшок кўндириш каби жуда аник бажарилди.

Кўткарув группаси «Аполлон» кемасининг команда модулини тез пайкаб, уни вертолётлар ташувчи «Янги Орлеан» кемаси бортига кўтариб олди. Астронавтлар ўзларини яхши ҳис этмоқдалар.

АҚШ президенти Ж. Форд телефон орқали «Аполлон» экипажини тарихий вазифа муваффакиятли тугалланганлиги билан табрикладi. Ҳозиргина тугалланган парвоз космик фазони тадкик этишдаги халқаро ҳамкорликнинг янги палласини очади, деб таъкидлади у.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежневнинг президент Ж. Фордга йўллаган мактуби бу ерда зўр мамнуният билан кутиб олинди. Л. И. Брежнев ўз мактубида Америка Қўшма Штатлари президентини, халқини, астронавтлар Т. Стаффорд, В. Бранд, Д. Слейтонларни, Америка олимлари, конструкторлари, мутахассислари ва ишчиларини Совет — Америка қўшма космик парвози муваффакиятли тугалланганлиги билан табриклади.

Американинг учишни бошқариш маркази мутахассислари Москвадаги ўз касбдошларидан кутловлар олишди Бошқарув марказида бўлиб ўтган матбуот конференциясида аэронавтика ва космик фазони тадкик қилиш миллий бошкармаси (НАСА) директори Жеймс Флетчер американалик астронавтларни, Совет космонавтларини, шунингдек АҚШ билан СССРнинг техника мутахассислари группаларини космосдаги эксперимент жуда яхши тугалланганлиги билан табриклади.

«Союз — Аполлон» лойиҳасининг ахамияти бениҳоя буюк, деб таъкидлади НАСА директори. Турли социал системаларга мансуб бўлган икки мамлакат муштарак максадларга эришиш йўлида ҳамжиҳатлик билан ҳамкорлик кипа олишларини эксперимент кўрсатди. Биз космоса биргаликда учиш билан халкаро бирликнинг реал имконияти борлигини ҳамма умидсиз кишиларга исботлаб бердик.

Учишнинг Америка томони раҳбари Пит Франк матбуот конференциясида бундай деди: Совет ва Америка космонавтлари ҳамда техника мутахассислари учиш давомида намойиш килган ҳамкорлик ва ҳамжиҳатлик биз кутгандан ҳам аъло бўлиб чикди. У Москва областидаги учишни бошқариш марказига аник ва нуксонсиз ишлаганлиги учун алоҳида миннатдорчилик изҳор этди.

А. БОБИКОВ,
В. ЧУКСЕЕВ.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Мирзачўл ерларини ўзлаштиришда катта хизматлари ва актив қатнашганлиги учун «Голодностепстрой»га қарашли «Мирзачульсовхозстрой» трести 3-механизациялашган кўчма колоннаси асфальт-бетончилари бригадасининг бошлиғи Аҳмадали **Акбаров**га, КПСС Марказий Комитети қишлоқ хўжалик бўлими инструктори Владимир Федорович **Моховиковга** ҳамда «Голодностепстрой»га қарашли йўл қурилиш бошқармаси автогрейдер машинисти Адхам **Хабибраҳмановга** «Ўзбекистон ССР»да хизмат кўрсатган винокор» фахрий унвони берди.

* * *

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Мирзачўл ерларини ўзлаштиришда актив қатнашганликлари ва ишлаб чиқаришда юксак кўрсаткичларга эришганликлари учун «Голодностепстрой» бошқармаси ходимлари группасини Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлади.

КЎП НУСХАДА

Озарбайжон ва Туркманистон нашриётлари КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев 1975 йил 13 июнда Москва шаҳар Бауман сайлов округи сайловчилари билан бўлган учрашув чоғида сўзлаган нутқи текстини озарбайжон ва туркман тилларида кўп нусхада брошюра қилиб чиқаришди. (ТАСС).

СУВ—МАМЛАКАТ БОЙЛИГИ

— Сув бамисоли ҳаммага нондек зарур. Бу нарса ҳисоблаб чиқилган: йилига 300 кубкилометрдан зиёдроқ сув сарфланмоқда. — СССР Мелиорация ва сув хўжалиги министрлиги сув манбаларини муҳофаза қилиш давлат инспекцияси бўлимининг бошлиғи Ю. П. Беличенко ТАСС мухбири билан қилган суҳбатида ана шундай рақамларни келтирди.

Юрий Петрович, ана шу рақамни шарҳлаб берсангиз.

— 300 куб километр — бу тахминан Азов денгизига ёки Днепр сингари дараёнинг олти ой давомида окадиган суви ҳажмига баравар келади. Мамлакатимиз сув манбаларига бойдир. Унинг территориясида 3 миллионга яқин дарё ва 1600 та катта-катта кўл борки, агар ана шу дарё ва кўлларнинг сувидан оқилона ҳамда авайлаб фойдаланилса, бу сув шаҳарларни, аҳоли яшайдиган пунктларни, қишлоқ хўжалиги ва саноат объектларини етарли даражада таъминлашга кифоя қилади.

— Мамлакатда сув ресурсларини муҳокама қилиш «ССР Иттифоқи ва иттифоқдош республикаларнинг сув тўғрисидаги қонун асослари», КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг «Табиатни муҳофаза қилишни кучайтириш ҳамда табиий ресурслардан фойдаланишни яхшилаш тўғрисида» чиқарган қарори ва бошка қонун асослари ҳамда Директив ҳужжатлар асосида бир маромда солиб турилади.

Кейинги уч йил ичида бизда 5 мингдан зиёдроқ сувни муҳофаза қилиш иншоотларидан иборат йирик комплекслар қурилди. Ана шу иншоотлар туфайли фойдаланилган сув пухта тозаланмоқда.

Кўпгина дарёларнинг ҳавзаларида сувнинг сифати яхшиланганлиги бу соҳада қилинган ишларнинг натижаларини кўрсатиб турибди. Масалан, Москва-Река, Волга дарёси юқори қисмида, Десна дарёсида сув анча мусаффорок бўлиб қолди.

Бизни сувнинг тоза бўлиши проблемасигина эмас, балки ундан оқилона фойдаланиш проблемаси ҳам ташвишга солмоқда. Масалан, сув таъминотида сувдан такрор фойдаланиш деб аталган усулнинг жорий этилиши, яъни корхоналар битта ва бир миқдордаги сувдан қайта-қайта фойдаланиши 1974 йилда тоза сувни тежаб қолишни ўрта ҳисобда 56,7 процентгача кўпайтириш, айрим тармоқларда хатто икки баравар кўпайтириш имконини берди.

Маҳсулот бирлигига сувнинг сарфланишини нормаллаштириб қўйиш ҳам сувдан оқилона фойдаланишга хизмат қилмоқда. Мисол учун шундай воқеани олайлик: агар илгари битта тармоқдаги иккита корхона маҳсулот бирлигига турли миқдордаги сув сарф қилган бўлса, эндиликда ўзаро бир тармоқдаги корхоналар учун ягона нормалар ишлаб чиқилмоқда.

Халқ хўжалигининг кўпгина корхоналарида сув билан совутиш ўрнига ҳаво билан совутишга ўтилиши ҳам кўнгилдагидек натижаларни бермоқда. Масалан, Омск нефтни қайта ишлаш комбинатида ҳаво билан совутиладиган аппаратлардан 184 таси ўрнатилгандан кейин сувга бўлган эҳтиёж бир йил мобайнида 150 миллион куб метр камайди.

Сув бойлигини муҳофаза қилиш кучайтирилмоқда, зарарли окин сувларнинг миқдори камаймоқда. Шундай корхоналарнинг лойиҳалари ишлаб чиқилдики, умуман бу корхоналардан сув оқизиб юборилмайди. Мамлакатнинг бир қанча районларида шундай корхоналарни қуришга киришилди.

Тоза сувдан биларгина эмас, балки келгуси авлодлар ҳам фойдаланиши керак. Ҳар бир киши буни эсда тутишининг ўзи кифоя қилмайди, балки ҳар бир киши Ватаннинг мана шу бойлигини эҳтиёжлаб ва авайлаб саклаши ҳам керак.

Д. ГОЛУБЕВ,
ТАСС мухбири.

ТАЖРИБА, ТАШАББУС, ИЗЛАНИШ

Партиямиз ҳаётидаги муҳим воқеа—КПСС XXV съезди шарафига республикамиздаги барча меҳнат коллективларида зарбдор вахта давом этмоқда. Сифат учун, самарадорликни ошириш учун кураш, иқтисод ва тежамкорлик ишлаб чиқаришда авангардлик қилаётган халқ назоратчилари ўртасидаги социалистик мусобақанинг асосий шиори бўлмоқда. КПСС Марказий Комитетининг 1975 йил апрель Пленуми қарорларига жавобан назоратчилар материал, пул, табиий ресурслардан, иш вақтидан оқилкорлик билан фойдаланиш, хўжасизлик ва исрофгарчиликка қарши, социалистик мулкни, ижтимоий бойлигимизни аввалгидек асраш учун курсш бошладилар. Областингиз халқ назоратчилари КПСС XXV съездига қандай тайёргарлик кўришаяпти? Мухбиримиз бир қатор область халқ контроли комитетлари раҳбарларига ана шундай савол билан мурожаат қилди. Қуйида уларнинг жавоблари эътиборингизга ҳавола қиликади.

САМАРАДОРЛИК УЧУН

КПСС Марказий Комитетининг партияга, совет халқига Мурожаатида иқтисод ва тежамкорлик социалистик хўжалик юритишнинг таркибий белгиси эканлиги алоҳида таъкидланган. Бу вазифа областимиз халқ назоратчиларининг қундалик иш фаолиятидан муҳим ўрин олди. Улар КПСС XXV съездини муносиб кутиб олиш учун бошланган умумхалқ мусобақасига қўшилиб, тўқкизинчи беш йиллик планларини муддатидан илгари ошириб бажаришга ўз ҳиссаларини қўшмоқдалар. Оммавий текшириш ва рейдлар мазмуни ана шунга қаратилмоқда. Тежамкорлик ва иқтисод режимига қандай риоя қилинаётганлиги, меҳнат унумдорлиги ва ишлаб чиқариш самарадорлигини таъминлаш соҳасида амалга оширилаётган тадбирларга кўпроқ эътибор берилмоқда.

Область халқ контроли комитети «Облколхозстрой» трести ва унга қарашли ташкилотларда рейд ўтказиб, маълумотда 88,1 минг сўмлик иш ошиқча кўрсатилганини аниқлади. Тўққизинчи қурилиш трестида 7 та объектдаги ишлар 42 минг сўм, шу жумладан Олтиариқ районидаги «Пахтакор» совхозида уй-жойлар учун сарфланган маблағ 28 минг сўм кўпайтириб ёзилган. Бағдод 78-автомобиль корхонасида ҳисоб ва ҳисобот ишлари атайлаб нотўғри юритилган. Бундай чалкашликлар натижасида бажарилмаган иш учун корхона бўйича 1,5 минг сўмлик ортиқча иш ҳақи тўланган. Охунбобоев районидаги «Ўзбекистон» колхозида ҳам ана шундай фактлар рўй бераётгани маълум бўлди. Колхоз раҳбарлари қорамоллар бош сонини бозордан ҳарид қилинган қора мол ҳисобига гўшт топшириш йиллик планини бажариб давлатдан 50 процент миқдорида ортиқча ҳақ олаётгани аниқланди. Райондаги тўртта колхоз ўтган бир йил давомида шу тарика 122 минг сўм қўшимча ҳақ олган. Бундай аҳвол халқ контроли комитети мажлисидан сўнг барҳам топди.

Область халқ контроли комитети КПСС XXV съезди олдидан халқ назоратчилари фаолиятини янада яхшилаш тадбирларини ишлаб чиқди ва уни изчиллик билан амалга оширмоқда.

С. ТОШТЕМИРОВ,
Фарғона область халқ контроли комитети раиси.

ҲАММАМИЗ ЖАВОБГАРМИЗ

Партиямиз халқ назоратчилари учун катта имкониятлар яратиб бермоқда. Хўжалик вазифаларини ҳал этишда, фан-техника тараққиётини жадаллаштириш, меҳнат ва ишлаб чиқаришни бошқаришда, социалистик мусобақани авж олдириш ва меҳнат интизомини мустаҳкамлашда халқ назоратчиларининг роли ва масъулияти оширилди. Айниқса, КПСС XXV съездига қизғин тайёргарлик кўрилаётган шу кунларда уларнинг фаолияти тобора кучайтирилмоқда. Область халқ контроли комитети ўз сафига бирлашган 17 мингдан ортиқ халқ назоратчилари кучи билан халқ хўжалигининг турли тармоқларида 317 марта текшириш ва рейдлар ўтказди.

Область халқ контроли комитети бундай оммавий текширишларга халқ назоратчилари билан бирга турли соҳа мутахассисларини ҳам кенг жалб қилмоқда. Бу эса ўз навбатида текшириш ва рейдларнинг чуқур ўтказилишини ва атрофлича таҳлил этилишини таъминлайди. Масалан, матлубот кооперацияси системасида давлат мулкининг сақланишини ўрганиш мақсадида ўтказилган текширишга область, район халқ контроли комитети ходимлари, группа ва постларнинг аъзолари, малакали мутахассислардан иборат юздан ортиқ киши қатнашди. Биз бу текширишга олдиндан пухта тайёргарлик кўрдик. Халқ назоратчилари текшириш программасини ишлаб чиқиб, ҳисоб ва ҳисобот ишлари билан чуқур танишдилар. Текшириш давомида буюмларнинг сақланиши билан бир қаторда ҳужжат тўлдириш, ҳисобот ишлари, инвентаризация ва ревизия сифати, кадрлар билан ишлаш масаласи ҳам атрофлича таҳлил қилинди. Текшириш давомида касса — молиявий интизомнинг бузилаётгани, кўпгина молларнинг нотўғри чиқитга чиқарилаётгани аниқланди. Кўшкўпир ва Янгибозор район тайёрлов идораларида уч йил давомида шу тарзда 233,5 минг сўмлик мол чиқитга чиқарилган-у, аммо ҳеч ким жазоланмаган. Базаларда 13,9 миллион сўмлик моллар туриб қолган. Уғирланган ва талон-тарож қилинган маблағлар айбдор шахслардан ундириб олинмаган.

«Водстрой» трести ташкилотларида ўтказилган текширишлар ҳам ана шундай натижалар берди. 13-автобазада юк ташиш ишидаги жиддий нуқсонлар аниқланди. Медицина ташкилотларида ўриндошлик йўли билан ишлаётган кишиларга қонунсиз тарзда кўплаб маош берилаётгани маълум бўлди. Бу ташкилотларнинг раҳбарлари область халқ контроли комитети мажлисларида муҳокама қилиниб, тегишли жазо олдилар.

Ўтказилаётган текшириш ва рейдлар жойларда меҳнат унумдорлигини ошириш ва ишлаб чиқариш самарадорлигини таъминлаш, хўжасизлик, исрофгарчилик олдини олиш, шу тарика резервлардан унумли фойдаланиш ва оқибат натижада плантопшириқларнинг муваффақиятли бажарилишида муҳим роль ўйнамоқда Халқ назоратчилари аралашгандан сўнг ишлаб чиқариш корхоналари, қурилиш ташкилотларида меҳнат интизоми анча мустаҳкамланди. Биз КПСС XXV съездига қизғин тайёргарлик кўрилаётган айни кунларда назоратчиларнинг фаолиятини янада кучайтирамиз ва съездни муносиб меҳнат совғалари билан кутиб олиш учун курашга ўз ҳиссамизни қўшамиз.

И. ГАВРИЛОВ,
Хоразм область халқ контроли комитети раисининг ўринбосари.

ХАЛҚ КОНТРОЛИ КОМИТЕТЛАРИДА

МАСЪУЛИЯТСИЗЛИК ОҚИБАТИ

«Сирдарьяирстрой» трести ва унинг бўлинмалари чўлда қурилиш ишларини олиб боради. Тежамкорлик ва иқтисод режими — қурувчиларнинг асосий шиорларидан бири. Бирок, трест раҳбарлари (бошқарувчиси А. Ли) назоратни сусайтириб юборгани сабабли кўпгина бўлинмаларда қурилиш материаллари нобудгарчилигига йўл қўйилмоқда. Молия интизоми бузиляпти. Масалан, 6-кўчма механизациялашган колонна омборхоналарида цемент тупроқ билан қоришиб ётибди. Саноат базасида эса қурилиш материаллари қатъий ҳисобга олинмай тарқатилмоқда. Ҳисоботлар бухгалтерияда палапартиш қабул қилинаётир. 6-кўчма механизациялашган колонна раҳбарлари ўзбошимчалик билан кўпгина қурилиш материалларини бошқа ташкилотларга бериб юборяпти. 500 квадрат метр шифер, 300 килограмм бўёқ, 200 килограмм алиф шу тарзда область совхозлар трестининг ремонт-қурилиш бошқармасига бериб юборилган. 6-кўчма механизациялашган колоннада 37 минг сўмлик, 4-кўчма механизациялашган колоннада эса 20,3 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишлари ошириб кўрсатилган. Сирдарё область халқ контроли комитети ўтказган текширишда шу камчиликлар аниқланди. Комитет мажлиси трест бошқарувчиси А. Лига рўй бераётган камчиликларни тугатиш вазифасини топширди.

ВАҚТИНГ КЕТДИ — НАҚДИНГ КЕТДИ

Қашқадарё область халқ контроли комитети ишлаб чиқариш корхоналари ва қурилиш ташкилотларида иш вақтидан фойдаланиш аҳволини текширди ва бу соҳада жиддий камчиликлар рўй бераётганини аниқлади. Масалан, текшириш ўтказилган 18 та ташкилотда меҳнат интизоми пасайиб кетгани сабабли икки йил давомида салкам 97 минг киши-куни йўқотилган. Айниқса, Қарши автобус-таксомотор парки, тўқимачилик галантерия фабрикаси, область маиший хизмат кўрсатиш бошқармаси корхоналари ҳамда область йўл қурилиши бошқармасида иш вақтидан ноўрин фойдаланилмоқда. Чироқчи пахта тозалаш заводи, нон комбинати ва Қарши автобус-таксомотор паркида кишиларнинг ишга келиш ва кетиш вакти қатъий назорат қилиб борилмаётир. Бунинг устига айрим корхона ва ташкилотларда ишчиларни иш сменасидан бошқа вақтларда ҳам қолдириб ишлатиш ҳоллари рўй беряпти. Қарши автомобиль таксомотор паркида икки йил давомида кишиларнинг асосий иш кунидан бошқа жами 71,5 минг соат ишлашларига йўл қўйилган. Область халқ контроли комитети текшириш ўтказилган корхона ва ташкилотлар раҳбарлари диққат-эътиборини меҳнат интизомини мустаҳкамлаш вазифасига қаратди.

Халқ контроли Саҳифаси

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» ВА «БУХОРО ҲАҚИҚАТИ» ГАЗЕТАЛАРИ ҲАМДА ОБЛАСТЬ ХАЛҚ КОНТРОЛИ КОМИТЕТИНИНГ ҚУШМА РЕЙДИ

МАШАҚҚАТСИЗ ЗАФАР БЎЛМАС

Қоракўл районн пахтакорлари бу йил юксак марраларни кўзлаганлар. Миришкорлар сув танқислигини мардонавор енгиб, мўл ҳосилга замин яратмоқдалар. Хўш, ҳамма хўжаликларда ҳам аҳвол бир хилми? Мўл ҳосил етиштириш учун барча имкониятлар ишга солиняптими? Шу саволлар бизни Қоракўлга етаклади.

— Айни муддао, — деди район партия комитетининг биринчи секретари С. Жўраев, — биз сув ва ўғитдан фойдаланишнинг аҳволини чуқурроқ ўрганиш, ечилмаётган масалаларни жойларнинг ўзида муҳокама қилиб, бартараф этиш, деҳқонларга яқиндан туриб ёрдам бериш мақсадида сифат комиссиялари тузиб, хўжаликларга жўнатдик.

Далаларни кезар эканмиз, районнинг кўпгина хўжаликларида жазирама иссиққа қарамай, ғўзаларни ҳаёт сувига қондираётган сувчиларни кўрдик. Айниқса, Киров номли, «Москва», «Правда» колхозларида иш яхши ташкил этилган. Ғўзалар группа усулида суғорилмоқда. Жўякларга «шарбат», аммиак сувлари оқизилмоқда. Намни узоқ муддат сақлаш чоралари кўрилиб, культивация чуқур ва сифатли ўтказилаётир. Тажрибакор сувчилар сувнинг бир қатрасини ҳам нобуд қилмасдан ва унинг бекорга оқишига йўл қўймасдан намунали меҳнат қиляптилар. Сув ва ўғитдан фойдаланиш қаттиқ назорат остига олинган. Шу сабабли Мустафо Норов, Турсун Тўхтаев, Жўра Райбуллаев, Ризо Мавлонов, Орзу Тангриев, Темир Пўлатов бошлиқ 50 центнерчи бригаларининг далаларидаги ғўзалар айниқса баравж ўсяпти.

Бирок районнинг хамма хўжаликларида ҳам иш яхши ташкил этилган, деб бўлмайди.

Биз «Бухоро» колхозидаги Ж. Очилов, Н. Ражабовлар бошлиқ бригадаларнинг талай пахтазорлари хали биринчи сувдан чиқарилмаганлиги, ариқ ва йўл ёқаларида маҳаллий минерал ўғитлар тўкилиб-сочилиб, нес-нобуд бўлиб ётганлиги, суғ эса кераксиз ёки аҳамиятсиз жойларга оқаётганлигининг гувоҳи бўлдик.

Мана, бир ярим кубометр сув олаётган «Коммунизм» колхозидамиз. Бу хўжаликда ундан фойдаланиш коэффициенти атиги 78 процентни ташкил этади. Хўш, қолган 22 процент об-ҳаёт қаёққа оқяпти? Искандар Шодиев бошлиқ бригаданинг суғорилаётган даласида бўлганимизда масаланинг чигал тугуни очилди. Қаршимизда ғўзалар шохигача суғорилган, пайкал худди кўлдек жимирлаб, тўлқинланиб турарди.

— Бу қанақа суғориш, отахон? — сўраймиз бош сувчи Болта Ниёзовдан.

— Қондириб суғориш деб шуни айтадилар-да. Ўғлим. Бечора ғўзалар қуёшда чанқаб, халқуми куриди-ку. Тўйиб сув ичсин, дедик.

— Колхоз раҳбарлари бундан хабардорми?

— Бўлмаса-чи, бўтам, райсимиз Раҳмон Ҳамроев, партқомимиз Тош Рўзиев ҳам, бош агрономимиз Гиёсжон Рўзиев ҳам—ҳаммаси беш бармоқдек билишади.

Районнинг йирик «Октябрь» колхозида хўжалик раҳбарлари ташвишланиб турганининг ўзидан чиқиб қолдик.

Колхоз раиси Мустафоқул Шарипов оғир хўрсинди.

— «Саёт» насос станциямиз бузилиб, тўрт соат тўхтаб қолди, — деди у, графиндан мўздек сув қуйиб меҳмонларга узатаркан, — қўчатимиз тўлиқ, фақат барқ уриб ўсиши учун сув керак, сув...

Хўжалик далаларини айланганимизда қўпчилик пайкаллардаги ғўзалар паст-баланд бўлиб ўсаётганини кўрдик. Ж. Гойибов, Я. Қурбонов, Б. Пардаев ўртоқлар бошлиқ бригадаларда ғўзаларнинг авжи паст, қовжиратиб қўйилган. Ниҳоллар рангпар. Маҳаллий ўғит хирмон-хирмон уйиб қўйилган-у, уни ғўза қатор ораларига «шарбат» қилиб оқизишга эътибор берилмаётир. Культивация юзаки, саёз ўтказиляпти. 59 та чопиқ тракторидан эўрга 50 таси ишламоқда. Қолганлари бузуқ. Эҳтиёт қисмлар етишмаётганлиги баҳона. Колхоздаги 200 гектар майдоннинг ғўзаси нотекис ўсган. Суғорилган карталарнинг бир бошида сув қалқиб, кўллаб турибди. Иккинчи бошига эса сув чиқмай қолган.

Қоракўл район пахтакорлари бу йил давлатга 44 минг тонна «оқ олтин» етказиб бериш учун курашмоқдалар. Бу, мажжуд 13 минг 400 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 31 центнердан ҳосил олиш, демакдир. Шу кеча-ю, кундузда район далаларида 21 куб метр сув оқиб турибди. Шунча обҳаёт билан ҳар куни 1470 гектар ғўзани суғориш мумкин бўлгани ҳолда, эўога 1010 гектар ер сув ичяпти. Ҳозиргача атиги 12110 гектар ғўза майдонига иккинчи сув берилди, ҳолос. Район бўйича сувдан фойдаланиш коэффициенти 68-69 процентдан ошмаяпти. Техникадан унумли фойдаланиш ҳам талабга жавоб бермайди. 500 чопиқ тракторидан 444 таси ишлаётганини қандай баҳолаш керак? Район партия, совет ва касаба союз ташкилотлари сувдан, ўғитдан, техникадан самарали фойдаланиш тадбирларини кўрмоқлари лозим. Хўжаликларда меҳнат интизомини яхшиламасдан туриб, кадрларнинг топширилган иш учун масъулиятини оширмасдан туриб, кўзланган улкан маррага эришиб бўлмайди. Ҳа, зафар ва муваффақият жон куйдириб меҳнат қилганларга, машаққат чекиб олга интилганларгагина ёр бўлади.

Ч. АБДУСАИДОВ,
Қоракўл район халқ контроли комитети раиси.
Д. САИДОВ,
«Бухоро ҳақиқати» газетасининг мухбири.
Х. ҚОДИРОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

Сифат ва самарадорлик учун кураш Ўрта Осиё темир йўлига қарашли Тошкент тепловоз депоси ишчиларининг кундалик шиори бўлиб қолган. Халқ назоратчиларининг фақат аъло сифатли иш бажариш юзасидан бошлаган ташаббуси бутун корхона бўйлаб кенг ёйилди. Ҳозир бу ерда созланаётган тепловозлар узоқ вақт ремонт талаб қилмайди. Суратда: тепловоз депоси электр-экипаж цехи халқ назоратчилари (чапдан ўнгга) слесарь И. Яковлев, мастер И. Отаев, техника назорати бўлими ходими О. Коршинова навбатдаги рейд пайтида электр асбоблари ремонтини кўздан кечирмоқдалар.

И. Глауберзон фотоси.

Ўзбекистон ССР халқ контроли комитетида

СИФАТ ВА СУРЪАТ

Тўқкизинчи беш йилликда республикамиз енгил саноатида, айниқса пойафзал корхоналарида катта ўзгаришлар рўй берди. Енгил саноатнинг бу тармоғида ишлаб чиқариш қувватлари анча ўсди, бир қатор фабрика ва заводлар реконструкция қилиниб, эскирган ускуналар янги, серунум машина ва ускуналар билан алмаштирилди, илғор технология жараёнлари изчиллик билан жорий этилмоқда.

Ўзбекистон ССР Халқ контроли комитети чарм-пойафзал корхоналарида маҳсулот ишлаб чиқаришни ва унинг турларини кўпайтириш, сифатини яхшилаш юзасидан қандай тадбирлар амалга оширилаётганлигини текширди. Ютуқлар билан бирга хал қилиниши лозим бўлган жиддий нуқсонлар ва камчиликлар ҳам рўй бераётганлигини аниқлади. Бир қатор корхоналарда ишлаб чиқариш қувватларидан тўла унум билан фойдаланилмаяпти, пойафзал ва чарм ишлаб чиқариш планлари белгиланган ассортиментлар бўйича мунтазам бажарилмаётир. Кўп миқдордаги пойафзаллар сифатсизлиги сабабли омборларда чўкиб қолмоқда.

Ўзбекистон ССР Енгил саноат министрлиги перспектив планида белгиланишича тўқкизинчи беш йилликда республикадаги барча корхоналар ишлаб чиқариш қуввати ошиб йилига 43 миллион жуфт пойафзал ишлаб чиқарадиган даражага етказилиши зарур эди. Аммо министрлик зарур тадбирларни амалга оширмаганлиги сабабли Қарши, Ленинск, Денов, Навоий ва Урганч шаҳарларида янги фабрикалар қурилмай қолди. Натижада шу йилнинг 1 январигача ишлаб чиқариш қувватлари даражаси атиги 24,8 миллион жуфт пойафзални ташкил этди. Шунингдек, республика Министрлар Советининг ҳаридоргир беш хил пойафзал ишлаб чиқаришни йилига 4,4 миллион жуфтга етказиш тўғрисидаги кўрсатмаси ҳам бажарилмай қолди. Тошкент шаҳридаги пойафзал моделлар уйи қурилиши Чирчиқ, Янгийўл ва Қўқон пойафзал фабрикаларини реконструкция қилиш ишларига ҳамон киришилмаётир.

Министрлик бўйича тўқкизинчи беш йилликнинг тўрт йили давомида пландагига қараганда 8,6 миллион жуфт пойафзал, 16,6 миллион квадрат дециметр қаттиқ чарм, 5,5 тонна резина маҳсулотлари кам тайёрланди. Тўқкизинчи беш йилликнинг ўтган тўрт йилида пойафзал саноатида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини 1970 йилдагига қараганда 74,3 процент кўпайтириш планлаштирилган бўлса ҳам, бу рақам 29,8 процентда қолиб кетди.

Бир қатор корхоналарда сифатсиз маҳсулот ишлаб чиқарилаётгани жиддий ташвиш туғдирмоқда. Масалан, ўтган йили «Ўзобувторг» базаларида чиққан пойафзал миқдори ва сортларнинг пасайиши 1971 йилдагига нисбатан 36 процент кўпайган. «Ўзобувторг» республика идораси ўтган икки ярим йил давомида 1065 минг жуфт пойафзални корхоналарга қайтарди, 184 минг жуфт пойафзалнинг сортини пасайтирди. Ўтган йили корхоналарга қайтарилган пойафзал миқдори 1972 йилдагига қараганда 40,6 процент кўпайиб кетди. Булар эса ўз навбатида давлатнинг 883,5 минг сўмлик маблағи шамолга совурилишига сабаб бўлди.

Министрлик корхоналарида пойафзал турларини давлат Сифат белгиси учун тайёрлашда ҳам жиддий камчиликлар бор. Шу пайтгача Тошкентдаги биринчи, Бухоро, Наманган ва Фарғона пойафзал фабрикаларида тайёрланаётган маҳсулотнинг бирор тури ҳам давлат Сифат белгисини ололгани йўқ. Министрлик корхоналари бўйича сифат белгиси тақдим этилган 32 хил пойафзал турларининг 17 хили негадир бутунлай чиқарилмай қўйган. Бунга эса ўз навбатида чарм маҳсулотларининг сифатсиз тайёрланаётгани сабаб бўлмоқда. Республикадаги чарм маҳсулотлари корхоналари ўтган йилнинг ўзида тўртта пойафзал корхонасидан қайтариб юборилган 4712 минг квадрат дециметр чармни қабул қилиб олишга мажбур бўлди.

Ялпи ҳарид идоралари ва савдо базалари ҳам савдо тармоқларига сифатсиз ва ҳаридоргир бўлмаган маҳсулотларнинг чиқарилишига йўл қўймоқдалар. Ўзбекистон ССР Халқ контроли комитэти республика Енгил саноати министрлиги корхоналарида рўй бераётган аҳволни муҳокама қилиб, министр ўринбосари Ўрток Шомуҳиддиновнинг диққат-эътиборини рўй бераётган камчиликларга қаратди. Камчиликларнинг содир бўлишига сабабчи шахсларга нисбатан тегишли жазо чоралари кўрилди ҳамда пойафзал ва чарм маҳсулотлари корхоналарида фақат яхши сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш, қувватлардан унумли фойдаланиш тадбирларини амалга ошириш вазифасини топширди.

ТАШВИШЛИ СИГНАЛ

ШАМОЛ БЎЛМАСА...

Дала ишлари авжига чиққан айни кунларда «Ўзсельхозтехника» область бирлашмаси фаолияти яна ҳам кучайди. Қишлоқ хўжалик машиналарига техника қаровини яхшилаш учун бирлашма ходимлари колхоз ва совхозларга сафарбар қилинди. Аммо эҳтиёт қисмларнинг етишмаётгани сабабли ремонт ишларини тезлаштириш мумкин бўлмаяпти. Бунинг устига области узунқулоқ гап тарқалди: ғўё бирлашма раҳбарларининг масъулиятсизлиги ва етарли назорат ўрнатилмаганлиги сабабли фонд бўйича келтирилган эҳтиёт қисмларнинг анчагина миқдори областдан четдаги корхона ва ташкилотларга бериб юборилаётган эмиш.

Шамол бўлмаса дарахтнинг учи қимирламайди. Область халқ контроли комитети текшириш ўтказиб, миш-миш гаплар асосли эканлигини аниқлади. «Ўзсельхозтехника» область бирлашмаси маъмурияти айби билан 140 минг сўмлик фондли эҳтиёт қисмлар бошқа ташкилотларга сотиб юборилибди. Жумладан, Кемерово областидаги «Кузбасшахтстрой» автомобиль бошқармаси вакиллари Самарқандга келиб 73,3 минг сўмлик, Бошқирдистон АССР «Сельхозтехника»сининг Аскент район бирлашмаси вакили 13,2 минг сўмлик, Тожикистон ССРдаги бир қатор корхоналардан юборилган кишилар 19,6 минг сўмлик эҳтиёт қисмларни олиб кетишибди. Бунинг устига шу йилнинг февраль ойида бирлашма раисининг ўринбосари Бердникова алоҳида буйруқ чиқариб, «ЗИЛ-130» маркали автомашина двигателини Паннкент район бирлашмасига сотиб юборган. Гарчи Самарқанд областида эҳтиёт қисмларга нисбатан талаб катта бўлса ҳам Бердниковнинг масъулиятсизлиги натижасида «ЗИЛ-130» маркали автомашинанинг 34,8 минг сўмлик, «ГАЗ-51» маркали автомашинанинг 20,5 минг сўмлик, «ГАЗ-52» маркали автомашинанинг 10 минг сўмлик эҳтиёт қисмлари областдан ташқаридаги ташкилотларга пуллаб юборилди. «Ўзсельхозтехника» область бирлашмаси раҳбарларининг бундай ўзбошимчалиги колхоз ва совхозлар учун жуда қимматга тушяпти.

А. ДАВУТОВ,
Самарқанд область халқ контроли комитетининг инспектори.

Наманган шаҳри яшариб, тобора кўркам бўлиб боряпти. 25-қурилиш трестига қарашли қурилиш материаллари комбинати маҳсулотини шаҳарда қад кўтараётган ҳар бир кўп қаватли уйларда кўриш мумкин. Корхона маъмурияти тўқкизинчи беш йиллик бўсағасида меҳнат унумдорлиги ва ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишни таъминлайдиган бир қатор тадбирларни белгиларди эди. Бу тадбирлар асосида комбинатнинг перспектив плани ишлаб чиқилди. 1972 йилда қуриб ишга туширилган С-780 маркали механизациялашган бетон узели ана шу план асосида вужудга келди. Бу узел ҳар сменада 210 куб метр бетон тайёрлаш имконини беради. Аммо унинг ишлаб чиқариш қувватидан тўла унум билан фойдаланиш на комбинат бош инженери Тожибоевнинг ва на комбинат бошлиғи Аҳмедовнинг ҳаёлига келади. Бетон узели қурилди-ю, ташланди. Ҳозир ҳар сменада узелдан аранг 5-10 куб метр бетон қоришмаси олиняпти. Қум, шағал ва цемент миқдори тахминан белгилаб солинаётганлиги сабабли тайёр бетон сифати ҳам гоят паст бўляпти. У ГОСТ талабларига тўғри келмайди. Ўтган бир ярим йил давомида комбинат бўйича 18 минг сўмлик темир бетон чиқитга чиқди. Шу йилнинг ўтган даврида эса 153 куб метр бетон брак бўлди. Бу ҳам бўлса комбинат раҳбарларининг ўта масъулиятсизлиги, машина ва механизмлардан тўла қувват билан фойдаланиш учун жон куйдирмаётганлиги натижасидир.

БОШЛАНДИ-Ю ТАШЛАНДИ

А. БЕЗРУКОВА,
Наманган шаҳар халқ контроли комитетининг штатсиз инспектори.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ»ГА ЖАВОБ БЕРАДИЛАР

„Ягона буюртмачи бўлсин“

«Республика колхозларида бунёд этилаётган иншоотларнинг 45 фоизи битиш муддатидан ўтиб кетган. Бундай аҳволнинг юзага келишига планлаштиришдаги хатолар ва буюртмачилик хизматининг суст ташкил этилганлиги сабаб бўлаётир».

Шу мазмундаги танқидий мақола (газетанинг 29 апрель сони) тегишли министрлик, партия, совет ташкилотларида муҳокама қилинган ва унда келтирилган фактлар тасдиқланган. Қуйида ана шу ташкилотлардан редакцияга келган жавобларнинг қисқа мазмуни билан танишасиз.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК МИНИСТРЛИГИ: қурилиш объектлари учун ажратилган маблағларнинг тўла ўзлаштирилмаётганига сабаб пудратчи ташкилотларнинг қурилиш материалларини ўз вақтида етказиб бермаётгани ва қурилиш-монтаж ишларининг чўзиб юборилаётганидир. Андижон механизация техникуми ва бошқа қишлоқ хўжалиги техникумлари қурилишларида ҳам жиддий камчиликлар мавжуд. Буюртмачи ва пудратчи ташкилотлар раҳбарларининг фикри нўпинча бир жойдан чиқмаётир.

Министрлик буюртмачи ташкилотларнинг ишини такомиллаштириш юзасидан бир қанча тадбирлар ишлаб чиқмоқда.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ҚИШЛОҚ ҚУРИЛИШИ МИНИСТРЛИГИ: Андижон область қишлоқларида олиб борилаётган қурилиш ишлари кўлами йил сайин кенгайиб бормоқда. Шунга қарамасдан, қурилиш-монтаж ишлари нечиктириб юборилаётган объектлар анчагина. Андижон механизация техникуми ва бошқа ўқув юртлари худди шундай объектлардан, Министрлик коллегиясида йўл қўйилган камчиликлар сабаблари атрофлича ўрганилди. 24-трест раҳбарлари зиммасига буюртмачи ташкилотлар билан ҳамкорликда қурилиш техникуми биносини қисқа муддатда фойдаланишга топшириш вазифаси юкланди.

Шукингдек, редакция «Ягона буюртмачи бўлсин» мақоласи юзасидан «Ўзсельхозтехника» республика бирлашмаси ҳамда Бухоро область қишлоқ хўжалик бошқармасидан ҳам юқоридаги мазмунда жавоблар олди.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» ВА «ҚИШЛОҚ ҲАҚИҚАТИ» ГАЗЕТАЛАРИНИНГ ҚЎШМА МИНБАРИ

УЛКАН ХИРМОНИ КЎЗЛАБ

РОМИТАН РАЙОНИДАГИ «ОКТЯБРЬ 50 ЙИЛЛИГИ» СОВХОЗИНИНГ ПАХТА ЙИҒИМ-ТЕРИМИГА ТАЙЁРГАРЛИК ТАЖРИБАСИДАН

Янгиловчи йилда 15 минг тонна пахта тайёрланади. Шундан 8,5 минг тоннаси машиналарда терилади. Машина теримидаги бир йиллик ўсиш 2500 тонна бўлади. Ҳар бир машинанинг мавсумдаги иш унуми 150 тоннани ташкил этади. Илғор механик ҳайдовчиларнинг марраси 350-400 тонна. 81 та терим машинаси мавсумга тайёрланмоқда. Механик ҳайдовчилар сони 50 кишига кўпайтирилади. Юк машиналари, тележкалар, кўсак узиш, чувиш, тўкилган пахта териш механизмлари ремонти тугалланмоқда. Мукофотга 10 минг сўм пул ажратилади.

1975 йил барча касб эгалари сингари биз пахтакорлар учун ҳам катта синов йилидир. Пахтадан юқори ҳосил етиштириб, зиммамизга олган социалистик мажбуриятларимизни бажариш билан синовдан муваффақиятли ўтамиз, партиямизнинг XXV съездини ёруғ юз билан кутиб оламиз. Ҳар биримизнинг меҳнат фаолиятимизга етиштирган пахтамизнинг миқдори ва сифати, таннархининг арзон-қимматлигига қараб баҳо берилади.

Совхозимиз пахтакорлари якунловчи йилда 15 минг тонна «оқ олтин» етиштириш мажбуриятини олганлар. Шу маррани кўзлаб йил бошидан буён астойдил меҳнат қилмоқдалар. Гектарлар тўла, кўчатлар сони бут. Табиат инжиқликларига қарамай халол меҳнат билан ғўзаларнинг серҳосил бўлиб ўсиши ва ривожланишини таъминламоқдамиз. Хозир ҳар туп ғўзада 3-4 та бўлиқ кўсак бунёдга келтирдик. Шоналар, гуллар ва тугунчалар соат сайин кўпайтирилмоқда. Ғўза парваришини август ойи охиригача қизғин давом эттириб, ҳар туп ниҳолда 20-22 та бўлиқ кўсак ҳосил қиламиз. Биринчи ва иккинчи ярусдаги кўсаклар сонини кўпайтириш билан биринчи сорт пахта миқдорини оширишга эришамиз.

Ҳамма жойда бўлгани каби районимиз, қоларверса, совхозимизда ҳам сув танқислиги юз берди, йиллик норманинг 55-60 процентига етар-етмас сув оляпмиз. Лекин бундан чўчимаймиз. Ўтган йилларда ҳам сув танқислигини бошдан кечирганмиз. Агротехника тадбирларини изчиллик билан амалга ошириб, ерда етарли нам сақлаб қолганмиз, шу йўл билан пахтадан юқори ҳосил етиштирганмиз, зиммамизга олган социалистик мажбуриятларимизни шараф билан бажарганмиз. Якунловчи йилда ҳам шундай қиламиз.

Шу кунларда далаларимизда 480 деҳқон сувчилик қиляпти. Уларнинг ҳар бири кундузи 0,75 гектар, тунда 0,60 гектар майдондаги ғўзаларни қондириб суғоряпти. Бизда ҳар литр сув ҳисобда, сув сарфи устидан миробларнинг, бўлим бошқарувчилари ва бригада бошлиқлари, халқ назоратчилари кузатув олиб боряпти.

Ғўзалар қийғос ҳосил тўплаяпти. Бундай кезда ўсимликнинг сувга бўлган талаби кескин ортади. Лекин сув етишмаяпти. Бунинг чорасини топдик. Суғоришни группа усулида ташкил қилдик. Бош сувчига тўрттадан сувчи биркитдик. Улар кеча-кундуз бамаслаҳат иш кўради. Қайси пайкалга қандай нормада сув тарашни мутахассислар белгилаб беради. Биринчи навбатда энг чанқоқ ғўзалар суғорилади. Шундай қилинганда ўсимлик ҳосил нишоналарини тўкиб юбормай кўпайтиради. С. Бўронов, Ж. Муродов, И. Омонов, А. Шарипов, Х. Азизов каби уста сувчиларимиз ғўза суғоришда миқдор билан сифатни бир-бирига боғлаб олиб бормоқдалар, уларнинг тажрибаси кенг кўламда оммалаштирилмоқда.

Шу кунларда ғўзаларни суғоришга жиддий қараш керак. Чунки чанқаган ғўзалар камҳосилли бўлиб қолгани сингари, кўп суғорилган ғўзалар ҳам ғовлаб кетади. Бу машиналар мижозига мос келмайди. Ундан ташқари сув ортиқча сарф бўлади. Ҳар қатра сувдан ҳосил нишоналарини кўпайтириш, шоналарни тезроқ гулларга, гулларни тугунчалар ва кўсакларга айлантириш манфаатларини кўзлаб фойдаланмоқдамиз. Ола суғориш, бостириб суғориш, кўлхоб пайдо бўлиши, сувнинг кераксиз жойларга оқиб ётиши каби ҳолларга бутунлай барҳам берганмиз. Совхоз маъмурияти ва партия ташкилоти активларидан 80 киши сувчиларга кўмакдошлик қилмоқда.

Ҳамма майдонларда ғўза парвариши комплекс тараққий эттириляпти, машина терими учун ажратилган майдонлардаги ғўзалар парваришига алоҳида эътибор берияпти. Шуни айтиш керакки, машина теримига йирик, юқори ҳосилли, «зангори кема»лар ва юк транспорти бемалол қатнай оладиган, дарахтлар камроқ, машиналарнинг айланиши қулай майдонларни ажратдик. Пайкалларни механизаторларга доимий қилиб биркитдик, ким қайси пайкалларга чигит экканбўлса, ўша жойда ғўза парваришини ўтказяпти, қишлоқ хўжалик зараркунандаларига қарши дори сепяпти, қузга бориб ҳосилини ҳам машинада ўзи теради. Хўжалик йили якунланганда механизаторлар олинган даромаддан бригада бошлиқлари билан баравар иқтисодий манфаат кўради.

Машина теримига ажратилган майдонлардаги ғўзалар қандай бўлиши керак? Биз кўп йиллик тажрибага таяниб шундай иш тутмоқдамиз! Ғўзаларнинг бўйини бир метрдан оширмаймиз, ҳар тупида 15-16 та ҳосил шоҳи, 20-22 та тўк кўсак бўлишини таъминлаймиз, кўсакларнинг иложи борича қуйи ҳосил шохларида кўпроқ тўпланишига алоҳида эътибор берамиз. Ғўзаси кўзда тутилганидан зиёд ўсган пайкалларда чеканка ўтказиш кезида унинг бўйини машинабоп қилиб оламиз.

Ҳозир чеканкани бошлаб юбордик. Агротехниканинг бу муҳим тадбирини фақат машиналар воситасида ўтказмоқдамиз. Шунда иш сифатли бўлади, меҳнат унумдорлиги кўл кучига нисбатан 15-16 марта кўтарилади, фурсатдан утилади. Энг муҳими — вақтида ўтказилган чеканка ҳосилдорликни 5 центнергача кўтаради, машина теримини тез ва соз ўтказишга мустаҳкам замин яратилади. Ғўзаларнинг ўсиш ва ривожланишини ҳисобга олиб, зарур топилган жойларда такрор чеканка ўтказишни ҳам кўзда тутмоқдамиз.

Механизаторларимиз мўл ҳосил учун курашда байроқдорлик қилмоқдалар. Культивация, эгат олиш, ўсимликни озиқлантириш, ҳашаротга қарши дори сепиш ва бошқа ишлар уларнинг зиммасига юклатилган. Шуниси диққатга сазоворки, механизаторларимизнинг ҳаммаси кунлик дала ишлари топшириғини ортиғи билан бажариб, ўз касбини шарафламоқдалар. Совхозимизда 450 механизатор кадр бор. Уларнинг кўпчилиги ҳамма маркадаги машиналар ва механизмларни бемалол бошқара оладилар. Бу йил ҳар қандай шароитда ҳам ялпи ҳосилнинг 8,5 минг тоннасини «зангори кема»ларда терамиз, шунга яраша тараддуд кўрмоқдамиз.

Механизаторларимиз билан суҳбатлашиб чиқдик. Шундан кейин бир йилда машиналарда терилади ган пахта миқдорини 2500 тонна кўпайтирамиз, ҳар бир машинанинг мавсумдаги иш унумини ўртача 150 тоннага етказамиз деган қарорга келдик. Ҳар бир механизатор ўз зиммасига конкрет мажбурият олди. Турди Гадоев, Умар Ражабов, Ўзбекистон ССР Олий Совети депутати Раҳим Нарзуллаев каби дала гвардиячилари мавсумда 350-400 тоннадан дурдона териб беришга аҳд қилдилар.

Пахта йиғим-терими даврида ҳамма маркадаги машиналар, механизм ва агрегатларни тўла қувват билан ишлатиш, уларнинг ҳаракатини бир-бирига уйғунлаштириш чораларини кўрамиз, шу мақсадда махсус диспетчерлик пункти ташкил қиламиз. Тележкалар, юк машиналари ва бошқа транспорт воситаларининг қатнови терим машиналарининг ишига мослаштирилади. Теримнинг дастлабки кунларида 5-6 процентдан пахта тайёрлаймиз, сўнгра суръатни кучайтириб, кунлик ўсишни 8-10 процентга кўтарамиз. Йиллик пахта тайёрлаш планини октябрь ойидаёқ бажариш ниятимиз бор. Шундан кейин қатъий пландан ташқари пахта топшириб, 50 процент миқдорида қўшимча ҳақ оламиз.

Шу кунларда устахоналарда иш қизғин кетмоқда. 81 та терим машинамиз бор. Яна янги машиналар ҳарид қиламиз. Ремонт ишлари тезкорлик билан давом эттирилмоқда. 61 та машинани ремонтдан чиқариб бўлдик, қолган қисмини ҳам тез кунларда шайлаб қўямиз. Ҳар йилдагидек, бу йил ҳам «зангори кема»ларни группа усулида ишлатамиз, ҳар бир механизаторга кунлик, беш кунлик ва ўн кунлик нормалар белгилаймиз, якунини текшириб борамиз, ҳар ўн кунда мусобақа ғолибларини аниқлаб рағбатлантирамиз. Шу мақсад учун 10 минг сўмга яқин пул ажратамиз. Илғор механизаторларни мотоцикл, енгил машиналар билан мукофотлаш ниятидамиз.

Машиналарнинг унумли ишлаши автотрактор парки ва устахоналарда меҳнатни тўғри ташкил қилишга боғлиқдир. Шуни ҳисобга олиб, малакали механиклар, токарлар, слесарларни устахоналарда иш олиб боришга қўйдик, ундан ташқари механизаторларга дала бошида хизмат кўрсатиш учун 10 та кўчма устахона ташкил қиламиз. Зарур бўлган эҳтиёт қисмларни ҳозирданоқ ғамлаб қўямиз.

Бу йил кўпчилик бўлимларнинг бошқарувчилари ва бригадаларнинг бошлиқлари теримни кўл кучи ишлатмасдан фақат машиналар ёрдамида ўтказиш ҳоҳишини билдирдилар. Совхоз маъмурияти ва партия ташкилоти бу ташаббусни қўллаб-қувватламоқда. Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Муяссар Барноева бошлиқ бўлим пахтакорлари 775 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 45 центнердан «оқ олтин» етиштириш, ҳамма ҳосилни машиналарда териб олишга аҳд қилдилар. Мукаррам Фузайлова, Усмон Рамазонов, Теша Тошевлар бошлиқ бўлимлар, Ғаффор Файзиев, Кўклам Тожиев, Хомид Комилов бошлиқ 50-55 центнерчи бригадаларнинг аъзолари ҳам ана шундай яхши ният билан яшаб, меҳнат қилмоқдалар.

Ғўза парваришини жадал давом эттираверамиз. Айни кезда машиналарнинг тўла қувват билан тезроқ ишлашини таъминлашга қаратилган чораларни кўрамиз. Бу чеканкани қиска фурсатда сифатли қилиб тугаллаш, ғўзаларнинг баргини сунъий усулда тўкиришш учун химикатлар тайёрлаш, майдонларни аниқ белгилаш, граждан авиацияси учувчилари билан ҳамкорликда пайкалларни кўздан кечириб чиқиш, қўниш майдончалари ҳозирлаш каби ишлардир. Биз бу ишларни бажаришга ғўза парваришида банд бўлган деҳқонларни эмас, балки иккинчи даражали ишлар билан банд бўлган ишчиларни сафарбар этамиз, ҳамма тадбирларни белгиланган вақтда, аниқ сифатли ижро этилишини таъминлаймиз.

Шу кунларда йўл-кўприклар ремонтини ҳам бошлаб юбордик. Яқин кунларда хирмон жойлар, машиналар айланадиган майдончаларни тайёрлашга киришамиз. Дала меҳнатчиларининг ҳар доим юқори унум билан ишлашлари учун ҳамма шароитни яратиб берамиз, социалистик мусобақани бутун чоралар билан кучайтирамиз.

Совхозимиз коллективи якунловчи йилда она Ватанга 15.000 тонна пахта етказиб бериш билан КПСС XXV съездини кутиб оладилар.

Ҳамро САИДОВ,
Ромитан районидаги «Октябрь 50 йиллиги» совхозининг директори.

Ленин номли Ленин орденли Олмалиқ кон-металлургия комбинатининг ахил, меҳнатсевар коллективи КПСС XXV съездини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақани кун сайин қизитмоқда. Съезд шарафига ўтказилаётган зардоб меҳнат декадаларида В. Любский бошлиқ металл қуювчилар бригадаси юксак кўрсаткичларга эришяпти. Суратларда: 1. Илғор бригада бошлиғи В. Любский. 2. Металл қуйиш жараёни.

А. Тўраев фотолари.

САБЗАВОТЧИЛИККА БАҒИШЛАНГАН БУТУНИТТИФОҚ СЕМИНАРИ

ДОНЕЦК, (ТАСС мухбири). Бу ерда мамлакатда сабзавот етиштириш ва харид қилишни кўпайтириш масалаларига бағишланган Бутуниттифоқ семинар-кенгаши очилди. Семинар ишида иттифоқдош ва автоном республикалар Компартиялари Марказий Комитетларининг, ўлка ва область партия комитетларининг секретарлари ва бўлим мудирлари, Иттифоқ ва республикалар қишлоқ хўжалиги министрликларининг вакиллари, совет ва хўжалик органларининг масъул ходимлари, мутахассислар, олимлар иштирок этмоқдалар.

Семинарни КПСС Марказий Комитети қишлоқ хўжалик бўлими мудирининг ўринбосари И. К. Капустян очди. Семинарда Донецк область партия комитетининг биринчи секретари В. И. Дегтярев нутқ сўзлаб, меҳнаткашларни КПСС XXIV съезди ўртага қўйган вазифаларни бажаришга сафарбар этиш соҳасида область партия ташкилотининг фаолияти тўғрисида гапириб берди.

Семинар қатнашчилари илғор сабзавотчилик хўжаликларида бўлдилар. Улар, жумладан, «Берестовой» совхозининг тажрибаси билан танишдилар. Бу хўжаликда 750 гектар суғориладиган ернинг ҳар гектаридан 470 центнерга етказиб сабзавот ҳосили олинмоқда. Семинар иштирокчилари маҳаллий сув манбаларидан суғориш ташаббускори бўлган Марьин районида ҳам бўлдилар.

Семинар-кенгаш ишини давом эттирмоқда.

ПАРТИЯ АКТИВИ УЧУН

Сиёсий адабиёт нашриёти «Бошланғич партия ташкилоти: иш тажрибаси, форма ва методлари» тўпламини босмадан чиқарди. Тўплам КПСС Марказий Комитетининг «Партийная жизнь» журнали эълон қилган материаллар асосида тайёрланган. Мақолаларнинг авторлари — бошланғич партия ташкилотларининг секретарлари, партия ва хўжалик ходимлари партия ташкилотларининг партия XXIV съезди қарорларини амалга ошириш соҳасидаги кўп қиррали фаолиятининг иш тажрибасини ёритишган, халқ хўжалиги ва маданиятининг турли соҳаларида партиявий иш форма ва методларини кўрсатиб беришган.

Тўпламда партия активига ёрдам тариқасида экономикага, идеология ишига партия раҳбарлиги тўғрисида, партия ички ҳаётини ташкил этиш ҳақида консультациялар берилган.

Тўплам бошланғич ва цех партия ташкилотларининг секретарлари, партия активи учун мўлжалланган. (ТАСС).

Советлар мамлакатида

УМУМХАЛҚ ҚУРИЛИШИДА

Байкал—Амур магистрал қурилишида ишлар кун сайин қизиб бормоқда. Куни кеча бу ерга Астрахань шаҳар қунартехника билим юртини тугатган ёшлар келишди. Комсомол йўлланмаси билан келган ёш алоқачи мутахассислар Тинда посёлкаси билан Вихоревка станцияси ўртасидаги телефон линиясини созлайдилар.

Украиналиқ бинокорлар эса Ургал станциясида саноат базаси қурилишини бошлаб юбордилар. Бу йил бунёдкорлар бетон қориш узели, бухгоҳна, механика устахонаси ва турли омборларни қуриб ишга туширдилар. «Донбасс» номли қурувчилар отряди турар-жой посёлкасининг пойдеворини қўйди.

МОНТАЖ ҚИЗҒИН

Тожикистон ССРдаги Нурек ГЭСида сўнгги тўққизинчи агрегат монтажи бошланди. Айланма йўл бўйича сув ҳавзадан турбинанинг ишчи ғилдирагига келиб тушади. Ана шу агрегатнинг монтажи графикдан олдин олиб борилмоқда.

ОЗУҚА ФАБРИКАСИ

Сўзак (Қирғизистон ССР)даги колхозлараро озуқа тайёрлаш комплексида янги оқсил озуқаси тайёрлайдиган завод ишга тушди. Бу ерда йилига жуда кўплаб озуқа маҳсулотлари тайёрланади. Колхозларни озуқа тайёрловчи завод қувватининг ошиши, гўшт етиштиришни кўпайтириш имконини берди. Чорвачилик комплексида йилига 10 мингдан кўп қорамол боқиш мумкин. (ТАСС).

ЧЕТ ЭЛЛАРДА

ТАРАҚҚИЁТ МАҚСАДЛАРИДА

ДАККА. Бангладеш Халқ Республикасининг ташқи савдо алоқалари кенгайиб бормоқда. Ўтган молия йилининг ўзида ёш республика яна 21 давлат билан савдосотиқ қила бошлади. Энди Бангладеш билан савдо қилаётган мамлакатлар 86 тага етди.

Бангладешнинг халқ хўжалиги ўз миллий молларини ташқи бозорларда сотишга кўп жиҳатдан боғлиқдир. Саноатнинг кўпгина соҳаларидаги иқтисодий юксалиш ва такрор ишлаб чиқариш чет элларга чиқариш учун маҳсус тайёрланган молларни сотишдан олинадиган даромадларга бевосита боғланган.

Бангладеш ҳукумати мамлакатнинг иқтисодий аҳволини яхшилаш учун ташқи савдонинг ривожи муҳим аҳамиятга эга эканлигини ҳисобга олиб, мол сотиладиган эски бозорларни кенгайтириш ва янги бозорларни кидириш чораларини кўрмоқда. Мамлакат жаҳон бозорига одатда чиқариб келган маҳсулотлар ёнига янги моллар қўшилди. Бамбук ва қамиш, тамаки ҳом ашёси, кокос ёнғоғи толасидан тайёрланган маҳсулотлар ва бошқа маҳсулотлар шулар жумласига киради.

Бангладеш бешта халқаро савдо ярмаркасида қатнашади. Мамлакатда биринчи халқаро савдо ярмаркасини ўтказиш белгиланди. Шу мақсадда экспорт операциялари билан боғлиқ бўлган расмиятчиликни осонлаштирувчи бир қанча чораларни кўриш режалаштирилмоқда.

Ташқи савдони кучайтиришга мўлжалланган сиёсатнинг ўтказилиши ўзининг дастлабки самараларини бермоқда. Бултурги молия йилида Бангладешнинг экспорти 3 миллиард 58 миллион такага етди. Бу ерда чиқадиган «Бангладеш Таймс» газетасининг таъкидлаб ёзишича, шу йил экспорт кўрсаткичларини 5,2 миллиард такага етказиш мақсади ўртага қўйилган.

С. БАЙБАКОВ,
ТАСС мухбири.

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИНГ МУВАФФАҚИЯТЛАРИ

ҚОБУЛ, (ТАСС). Афғонистон республикаси ҳукумати аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш учун қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришни тез ривожлантириш мақсадида қатъий чоралар кўрмоқда.

Кейинги икки йил ичида бу соҳада сезиларли муваффақиятларга эришилди. Экинзорлар кенгайтирилганлиги, бўғдой, пахта ва бошқа экинларининг юқори сифатли навлари уруғлиги экилаётганлиги, химиявий ўғитлар деҳқонларга таксимлаб берилаётганлиги, кооператив хўжалик тузилаётганлиги қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилини бултургига нисбатан 3,2 процент оширишга имкон берди.

Совет Иттифоқи қишлоқ хўжалиги соҳасида Афғонистонга катта ёрдам бермоқда. Совет мутахассислари кўмагида Нангарҳар вилоятида давлат механизациялашган фермалари ва тажриба станциялари қурилди ёки қурилмоқда. Янги ерларни ўзлаштириш соҳасида афғон ва совет мутахассисларининг муваффақиятли ҳамкорл

ЯНГИЛИКЛАР

ҚИШЛОҚЛАРДАН ЕЗАДИЛАР

ЧЎЛДА ЯНГИ ХЎЖАЛИКЛАР

ЖИЗЗАХ. [«Совет Ўзбекистони» мухбири]. Областнинг Жиззах ва Мирзачўл қўриқларида ўтган куздан буён 20 минг гектарга яқин ер қишлоқ хўжалик оборотига киритилди. Шу ҳисобдан Мирзачўл районида 23-, Пахтакор районида 6-, Дўстлик районида «Коммунизм» ва Октябрь районида Жуков номли пахтачилик хўжаликлари ташкил этилди. Янги совхозларнинг чўлқуварлари бу йил 12 минг гектар ерга чигит экиб давлатга 16 минг тоннадан кўпроқ «оқ олтин» топширишга қарор қилдилар. Бу пландагидан 7 минг тонна кўп демакдир.

Жиззах чўлининг тўнғич хўжалиги Ульянов номли совхоз аъзоларидан эса биринчи йилиёқ ҳосилдорликни 26 центнерга чиқаришга қарор қилдилар.

Н. МИРЗАЕВ.

БУНЁДКОРЛИК

ЯНГИ ҚУРИЛИШЛАР

Самарқанд область, Пахтачи район маркази Зиёвуддин посёлкасида янги пахта тозалаш заводи қурилиши жадал суръатлар билан олиб борилмоқда. Корхона шу йил сентябргача ишга туширилиб, йилига 40 минг тонна пахта тозалаш қувватига эга бўлади. Шу кунларда завод бош корпуси, цех биноларининг деворлари қад кўтармоқда. Керакли ускуналарни ўрнатиш ҳам бошланди.

Шунингдек, район қишлоқларида физкультура ва спортни ривожлантиришга ҳам катта эътибор берилаётир. Шу мақсадда хўжаликларда стадион, спорт майдонлари, бассейнлар қурилиб, фойдаланишга топширилмоқда. Яқинда Киров номли колхозда янги стадион қурилиб, битказилди. Бу ерда футбол, волейбол, баскетбол майдончалари, югуриш йўлкалари бор. Қишлоқ ёшлари ўзлари учун яратилган бундай қулайликдан мамнун бўлмоқдалар.

Б. ШАМСИЕВ.

АНҲАНА

ЕШЛАР ҚАРОРИ

Хатирчи районидаги Н. Островский номли 12-ўрта мактабда бу йил 763 ўқувчи билим олди. Мактаб битирувчиларининг қишлоқда қолиб ишлаши йил сайин анъанага айланмоқда. Яқинда «Ким бўлмоқчисан, замондош дўстим» деб аталган кечада мактабни битириб чиққан юз нафар йигит-қиздан 75 таси қадрдон колхозида қолиб ишлашга сўз берди. Етуклик аттестатини олган бошқа ёшлар эса, олий ўқув ва махсус ҳунар-техника билим юртларига кириб ўқишга аҳд қилдилар.

М. СИДДИҚОВ.

ОБОДОНЧИЛИК

ОЛМОС ЖАМОЛИ

Чуст районидаги Олмос қишлоғининг қиёфаси йил сайин ўзгариб бормоқда. Тўққизинчи беш йиллик якунловчи йилининг ўтган ойларида маданий-маиший комбинат қуриб фойдаланишга топширилди. Фурқат номли 17-ўрта мактабнинг янги биноси қуриб битказилди. Қишлоқнинг хушманзара ерига 90 ўринли замонавий касалхона биноси қурилди. Янги шифохонада беморларга медицина ёрдами кўрсатиш ва даволаш учун барча қулайликлар мавжуд. Қишлоқ кўчаларини кенгайтириш ва ободончилик ишлари давом этмоқда.

А. ЗОИРОВ.

МАДАНИЯТ

ЯНА БИР ШИФОХОНА

Ўзбекистон районининг Конизор массивида уч қаватли касалхона биноси қуриб фойдаланишга топширилди. Касалхонанинг биринчи қавати 40 хонадан иборат бўлиб, рентген, лаборатория, физкабинет, дорихона, кардиология ва ёрдамчи хоналар жойлашган. Қолган қаватларга эса хирургия, туғруқхона, терапия, асаб касалликлари бўлимлари жойлаштирилди. Шифохона замонавий медицина асбоб-ускуналари, мебеллари билан жиҳозланган.

А. АЗИЗОВ.

ҲОДИСА

ЮКЛАР МАНЗИЛДА

Воқеа. Қарши районидаги «Партия XXII съезди» совхозининг Лағмон қишлоғи чегарасида юз берди. Шу қишлоқли ишчи Мамат Ҳикматов эрталаб соат 6 ларда темир йўл ёқалаб бораётиб, из бир ерда ажралиб қолганлигини кўрди. У дарҳол станцияга хабар қилмоқчи бўлди, лекин вақт ўтиб борарди. Поездни кутишга қарор қилди. Кўп ўтмай олисдан юк поезди кўринди. Мамат қалпоғини силкита бошлади. Поезд икки-уч бор сигнал бергач, тўхтади. Машинист аҳволни англагач, халоскорни бағрига босди. Тезда йўл тузатувчилар ҳам етиб келиб, поезд ҳаракатга келди. Халқ хўжалиги юклари манзилга етказилди.

Когон темир йўл бўлинмаси ҳушёрлик кўрсатган М. Ҳикматовни пул ва қимматбаҳо буюмлар билан тақдирлади.

А. АМИРҚУЛОВ.

Тянь-Шань тизмаларининг Тошкент шаҳрига яқинлашиб борадиган қисмида Хожикент ГЭСи қурилмоқда. 165 минг киловатт қувватга эга бўладиган янги электростанцияни 1976 йилда ишга тушириш мўлжалланмоқда. Суратларда: юқорида — геодезистлардан Е. Макарова билан Е. Мадла ГЭС биносини планлаштирмоқда. Пастда — илғор қурувчилардан Т. Рискимов билан М. Умаровлар.

И. Глауберзон фотолари.

«ЗАНГОРИ» ЭКРАНДА

28 ИЮЛЬ, ДУШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 10.00 — МОСКВА. 17.20 — ТОШКЕНТ. 17.25 — «Камалак» программаси. 17.55 — Мультфильм. 18.25 — **«Ахборот».** 18.40 — «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Қалб хотираси». 19.15 — «Беш йилликни муддатидан илгари бажарамиз» (Москва). 20.00 — Концерт. 20.30 — Халқаро шарҳловчилар даврасида. 21.00 — **«Ахборот».** 21.20 — Концерт. 22.00 — **«Вақт».** 22.30 — Телефестиваль. Ҳамза номли Қўқон давлат драма театрининг ижоди йўли. **ИККИНЧИ ПРОГРАММА.** 17.20 — МОСКВА. **«Мен, Франциск Скоринаман»** (бадиий фильм). 19.15 — Ҳужжатли фильм (Тошкент). 20.00 — МОСКВА. **УЧИНЧИ ПРОГРАММА.** 17.20 — ДУШАНБА КЎРСАТУВЛАРИ.

29 ИЮЛЬ, СЕШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 10.00 — МОСКВА. 17.45 — ТОШКЕНТ. 17.50 — Телевизион қўғирчоқ театри. 18.20 — Ҳужжатли фильм. 18.45 — «Беш йилликнинг якуловчи йили». 19.15 — **«Ахборот».** 19.30 — «Ота-оналар университети». 20.00 — **«Ахборот».** 20.20 — Телефестиваль. **С. Аҳмад. «Уфқ».** Ҳамза номли Қўқон давлат драма театрининг спектакли. 22.00 — **«Вақт».** 22.30 — Қишлоқ хўжалиги билимлари телевизион халқ университети. 23.00 — Концерт. **ИККИНЧИ ПРОГРАММА.** 11.25 — ТОШКЕНТ. 11.30 — Фильм-концерт. 12.00 — **«Эшикни очинг, бироз келди»** (бадиий фильм). 17.45 — МОСКВА. **«Қийшиқ кўзгу салтанати»** (бадиий фильм). 20.30 — **«Даурия»** (бадиий фильм, 1-серия). 22.00 — Ҳужжатли фильм (Тошкент). 22.30 — МОСКВА. **УЧИНЧИ ПРОГРАММА.** 20.00 — ТОШКЕНТ. 20.05 — Болалар учун фильм. 20.35 — «Қаерда ўқимоқчисиз?». 21.00 — Тошкент янгиликлари. 21.15 — Ҳужжатли фильм.

30 ИЮЛЬ, ЧОРШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 10.00 — МОСКВА. 18.00 — ТОШКЕНТ. 18.05 — Тележурнал. 18.35 — Қўғирчоқ фильм. 18.50 — «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Чўл эди...». 19.15 — **«Ахборот».** 19.30 — Концерт. 20.00 — «Иқбол» программаси. 20.30 — **«Ахборот».** 20.50 — **«Ёз ёмғири»** (бадиий фильм). 22.00 — Хельсинкидаги Умумевропа кенгашида (Москва). 22.30 — «Қишлоқ ҳаёти». 23.00 — Концерт. 24.00 — **«Вақт». ИККИНЧИ ПРОГРАММА.** 11.25 — ТОШКЕНТ. 11.30 — «Камалак» программаси. 12.40 — **«Ханжар»** (телевизион бадиий фильм, 1-серия). 17.35 — МОСКВА. 22.00 — Ҳужжатли фильм (Тошкент). 22.30 — **«Даурия»** (бадиий фильм, 2-серия). **УЧИНЧИ ПРОГРАММА.** 20.00 — ТОШКЕНТ. 20.20 — Болалар учун фильм. 20.50 — **«Доктор Вера»** (бадиий фильм).

31 ИЮЛЬ, ПАЙШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 10.00 — МОСКВА. 18.00 — ТОШКЕНТ. 18.05 — «Камалак» программаси. 18.40 Телефильм. 18.50 — «Беш йилликнинг якуловчи йили». 19.15 — **«Ахборот».** 19.30 — «Иқбол» программаси. 20.30 — «Дўстлик экрани». 21.30 — **«Ахборот».** 21.50 — Ўн минут музика. 22.00 — Хельсинкидаги Умумевропа кенгашида (Москва). 22.35 — Пахтакорлар учун кўрсатув. 22.55 — Концерт. 24.00 — **«Вақт». ИККИНЧИ ПРОГРАММА.** 11.25 — ТОШКЕНТ. 11.30 — Спектакль. 12.30 — **«Ханжар»** (телевизион бадиий фильм. 2-серия.) 17.40 — МОСКВА. 17.45 — **«Дарёдаги чироқлар»** (бадиий фильм). 22.30 — МОСКВА. 22.35 — **«Сенсан азизим»** (бадиий фильм). **УЧИНЧИ ПРОГРАММА.** 20.00 — ТОШКЕНТ. 20.05 — Болалар учун фильмлар. 20.35 — Реклама. 20.50 — Тошкент янгиликлари. 21.05 — **«Қувонч ахтариб»** (бадиий фильм).

1 АВГУСТ, ЖУМА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 10.00 — МОСКВА. 17.55 — ТОШКЕНТ. 18.00 — «Камалак» программаси. 18.40 — Мультфильм. 18.50 — **«Ахборот».** 19.05 — «Истиқбол эгалари» (тележурнал). 19.55 — Информацион программа (Москва). 21.30 — **«Ахборот».** 21.50 — «Рақҳоса хиром этганда». Вилоят Оқилова. 22.30 — «Зангори экран» почтаси. 23.00 — **«Бўстон»** (тележурнал). 24.00 — **«Вақт». ИККИНЧИ ПРОГРАММА.** 11.25 — ТОШКЕНТ. 11.30 — «Камалак» программаси. 11.55 — **«Ханжар»** (телевизион бадиий фильм, 3-серия). 17.55 — **Баскетбол. СССР—Бразилия.** 18.10 — **«Гўзал Василиса»** (бадиий фильм). 19.55 — Ҳужжатли фильмлар экрани. 20.30 — «Интернационал дўстлиқ клуби». 21.00 — Инсон ва қонун. 22.40 — Телеспектакль (Москва). **УЧИНЧИ ПРОГРАММА.** 20.00 — ТОШКЕНТ. 20.05 — Болалар учун фильм. 20.35 — «Тошкент телепрограммаси. 21.05 — Концерт. 21.35 — Тошкент янгиликлари. 21.50 — **«Кохановкалик артист»** (бадиий фильм).

2 АВГУСТ, ШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 10.00 — МОСКВА. 18.00 — ТОШКЕНТ. 18.05 — «Камалак» программаси. 18.45 — Бутуниттифоқ темир йўлчилар куни олдидан. 19.35 — **«Ахборот».** 19.50 — «Фан» программаси. 20.20 — **«Ахборот».** 20.40 — **«Севишганлар»** (бадиий фильм). 22.00 — **«Вақт».** 22.30 — Пахтакорлар учун кўрсатув. 23.00 — Концерт. **ИККИНЧИ ПРОГРАММА.** 9.55 — ТОШКЕНТ. 10.00 — Янгиликлар. 10.10 — Болалар учун кинопрограмма. 10.50 — **«Экран хандаси».** 11.30 — Бэувчилар — болаларга. Қудрат Ҳикмат. 12.10 — **«Отни ким эгарлайди?»** (бадиий фильм). 13.25 — Концерт. 14.00 — **«Оламга саёҳат».** 18.00 — «Мўъжизасиз мўъжизалар» (Москва). 19.15 — Мультфильм 22.00 — Ҳужжатли фильмлар экрани. 22.30 — Кинопанорама. **УЧИНЧИ ПРОГРАММА.** 15.15 — ДУШАНБА КЎРСАТУВЛАРИ.

3 АВГУСТ, ЯКШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 10.00 — МОСКВА. 18.10 — ТОШКЕНТ. 18.15 — «Камалак» программаси. 18.55 — Мультфильмлар. 19.25 — **«Ахборот».** 19.40 — Бугун — Бутуниттифоқ темир йўлчилар куни. 19.50 — «Турмуш ва маданият» (тележурнал). 20.20 — **«Экран ҳандаси».** 21.00 — **«Ахборот».** 21.20 — Концерт. 22.00 — **«Вақт».** 22.30 — **Футбол. «АРАРАТ» — «ДИНАМО»** (Москва). 2-тайм. 23.20 — Ч. Чаплин иштирокидаги фильмлар. 24.00 — **Баскетбол. СССР—АҚШ. ИККИНЧИ ПРОГРАММА.** 9.55 — ТОШКЕНТ. 10.00 — Янгиликлар. 10.10 — «Камалак» программаси. 11.00 — **«Қандай бўлмасин»** (бадиий фильм). 12.35 — Ёш киноҳаваскорлар клуби. 13.25 — «Қишлоқда яшайсанми — техникани бил!». 13.55 — Танбур таронаси. 14.25 — «Физкультура ва спорт» (тележурнал). 18.10 — МОСКВА. 19.15 — Мультфильм. 19.30 — **Киносаёҳатчилар клуби.** 20.30 — Концерт. 22.00 — «Нознеъмат бунёдкорлар» (Тошкент). 22.30 — **«Шер қабри»** (бадиий фильм). **УЧИНЧИ ПРОГРАММА.** 18.10 — ФРУНЗЕ КЎРСАТУВЛАРИ.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 10.00 — МОСКВА. 18.00 — ТОШКЕНТ. «Камалак». 19.10 — «АХБОРОТ». 19.25 «Нафосат оламида». 19.55 — Ғалла — бойлигимиз. 20.25 — «Иқбол» программаси. 21.05 — «АХБОРОТ». 21.25 — «Илғорлар минбари». 21.35 — Концерт. 22.00 — МОСКВА. **«Вақт».** 22.30 — ТОШКЕНТ. **Ватанғадолар** (бадиий фильм, 2-серия). **ИККИНЧИ ПРОГРАММА.** 9.55 — ТОШКЕНТ. 10.00 — Янгиликлар. 10.10 — Қўғирчоқ фильм. 10.30 — «ЁШЛИК». 10.50 — **Телевизион миниатюралар театри.** 11.30 — «Камалак». 18.00 — МОСКВА. 22.00 — ТОШКЕНТ. «Фан» программаси. 22.30 — МОСКВА. **Телевизион миниатюралар театри. УЧИНЧИ ПРОГРАММА.** 17.45 — **ДУШАНБА КУРСАТУВЛАРИ.**

МАРКАЗИЙ «ПАХТАКОР» СТАДИОНИДА 27 июлда олий лиганинг «ЧЕРНОМОРЕЦ» (Одесса) — «ПАХТАКОР» (Тошкент) командалари ўртасида ФУТБОЛ

Дублёрлар 26 июлда учрашадилар.

Матчлар кеч соат 7 да бошланади.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг

МИКРОБИОЛОГИЯ БЎЛИМИ

вакант вазифаларга

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

кичик илмий ходим — ферментология лабораторияси бўйича биохимик (2 ўрин).

Конкурс муддати — 11 августгача.

Ариза ва ҳужжатларни конкурслар тўғрисидаги низомга мувофиқ, қуйидаги адресга жўнатинг: Тошкент шаҳар, ГСП, 700000, Академиклар шаҳарчаси.

А. Р. БИРУНИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИНИНГ ХИМИЯ-ТЕХНОЛОГИЯ ФАКУЛЬТЕТИ 1975—76 ЎҚУВ ИЛИ УЧУН СТУДЕНТЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

кундузги бўлим: **донни сақлаш ва қайта ишлаш технологияси.**

Аризалар 31 июлгача қабул қилинади.

Кириш имтиҳонлари 1 августдан 20 августгача.

Машғулотлар 1 сентябрда бошланади.

Адрес: Тошкент шаҳар, Т. Шевченко кўчаси, 1-уй.

⊙

Ўзбекистон ССР Маориф министрлиги Т. Н. ҚОРИ-НИЕЗИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ

миллий мактабда рус тили ўқитиш методикаси мутахассислиги бўйича (ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда)

1975 ИИЛГА АСПИРАНТУРАГА ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Ҳужжатлар 25 августгача қабул қилинади.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, 3, Олмазор кўчаси, 174-уй.

спорт

СПАРТАКИАДА ОХИРЛАБ ҚОЛДИ

Шу йил март ойида боксчиларнинг Тошкент шаҳридаги мусобақаси билан бошланган СССР халқлари VI ёзги спартакиадаси охирлаб қолди. Ҳозирча Ригада шахматчилар турнири давом этмоқда. 27 июлда программадаги ўттизинчи терма — енгил атлетика мусобақалари старт олади. Ўзбекистон терма командалари спартакиада финалларида ҳар қачонгидан ҳам яхши натижага эришдилар. Республикамиз вакиллари ҳозирча бешта олтин, олтита кумуш ва 13 та бронза медаль олдилар. Спорт делегациямиз жамғармасидаги очколар 2262,5 тага етди. Спортчиларимиз иттифоқдош республикалар, Москва ва Ленинград терма командаларини иштирокидаги бақсларда умумий ҳисобда саккизинчи ўринни эгаллаб туришибди. Олдинги спартакиадада эса ўн биринчи ўринни олишган эди.

ШАХМАТ. Финалнинг учинчи куни Ўзбекистон спортчилари озарбайжонликлар билан учрашдилар. Асосий вақтда фақат беш йўнг ажрим бўлди ва республикамиз вакиллари 3:2 ҳисобида олдинга ўтиб олдилар. Кечиктирилган партияларда Г. Аъзамов, Д. Наюмов ва Л. Масловларнинг ғўли баланд. Шахматчиларимиз энди Молдавия ва Эстония терма командалари билан омад синашиб кўрадилар.

БАСКЕТБОЛ. Киевда эркаклар турнири тугаб, спартакиаданинг голиб ва совриндор командалари маълум бўлди. Чемпионлик олтин медаллари яна Москва терма командаси баскетболчиларига тегди. Ўзбекистон спортчилари ўнинчи ўринда қолдилар.

СИҲАТ-САЛОМАТЛИГИНГИЗ ҚАНДАЙ

ЮРАК БИЛАН ЎЙНАШМАНГ

Ҳозирги замон шароитида яшаётган инсонга юрак қон-томир системасининг жароҳатланиши оқибатида содир бўлаётган гипертония, атеросклероз, инфаркт миокарди, бош миянинг инсульти касалликлари жиддий хавф бўлиб қолди. Қадимги замонда яшаган олимлар ҳамда бундан юз йил аввалги статистика маълумотларида бу касалликлар ҳақида жуда кам тўхталган.

Юрак—қон-томир касалликлари ва хусусан, инфаркт миокарди касаллигининг «ёшариши» айниқса ёқимсиз бир ҳодиса. Юрак ва қон-томир касалликларининг «ёшариши» ва умуман бу касалликларнинг кўпайиши ҳоллари фақат юксак ривожланган АҚШ, Англия, Франция, Япония каби капиталистик мамлакатларда айниқса кўп қайд этилмоқда. Американинг «Лайф» журнали шундай деб ёзади: «Агар Сиз эркак киши бўлсангиз, сизнинг ёшингиз 30 дан 60 гача бўлса, у ҳолда яқин ўн йил ичида инфаркт миокардидан қурбон бўлишингиз учун сизнинг ўндан бир имкониятингиз бор.

Агар сиз жуда семиз бўлсангиз, қон босимингиз юқори ҳамда қонингизда холестерин миқдори кўп бўлса, сизнинг инфаркт бўлишлик имкониятингиз иккидан бирга сакрайди. Борди-ю, сиз бунинг устига яна ишладиб кашанда бўлсангиз, у ҳолда бутун имконият сиз томонда бўлади».

Маълумки, организмимиздаги юз триллионлаб ҳужайраларнинг ҳаёти улар ўртасида тўхтовсиз содир бўладиган ҳамда қоннинг майда томирлари орқали ҳаракат қилувчи модда алмашинуви натижасида амалга оширилади. Юрагнинг иши томир системалари орқали ҳаракат қилувчи ҳамда орган ва тўқималарни керакли озиқа моддалари, айниқса кислород билан таъминловчи қон учун зарур бўлган босимни ҳосил қилади. Юрак ҳар бир қисқаришида аортага 60—80 миллилитр, бир минутда 4—5 литр, бир соатда 300 литр, бир кеча-кундузда 7.200 литр, бир йилда 2.628.000 литр қон чиқариб беради.

Қон елимшаклиги, ёпишқоқлиги ҳамда томир деворларига ишқаланиши натижасида шишишга қаршилик кўрсатади, бунинг оқибатида артериал оқимда маълум боғиқ ҳосил бўлади. Юрак қопчасининг қисқариш давридаги босимнинг катталиги тахминан симоб устунининг 120 миллиметрига тенг, унинг бўшашган пайтида эса 70—80 миллиметрга тенг бўлади. Бу рақамлар касалнинг ёшига, жисмоний ҳолатига ҳамда юрак қон-томир системасининг у ёки бу касалликка бардошлилиги ва касалликнинг алмашишига қараб ўзгариб туради. Артериал босимнинг кўтарилиши атеросклероз касаллигида кузатилади (медик—олимлар бу ҳолатни «томирларнинг ҳанглаши» деб аташади).

Гипертония касаллиги ҳақида гапирганда, бу касалликнинг пайдо бўлиш сабабларига диққатни жалб қилиш керак. Бу хасталик кишининг қарилиги оқибатида ҳам келиб чиқиши мумкин бўлиб, касалликнинг бу тури анча осон ўтади.

Буйрак гипертонияси бу хасталикнинг анча хавфли тури ҳисобланади. Сопша-сос одамнинг кутилмаганда қон босими кўтарилади. Бунга кўпинча асабнинг кучли ҳаяжони, изтироби, турли оилавий ва хизматга алоқадор стресслар (асабнинг таранглашуви) ёхуд наркотлар, спиртли ичимликлар ва кашандаликни суиистеъмол қилиш асосий сабаб бўлади.

Физиологларнинг тадқиқоти кўрсатадики, қаттиқ асабийлашиш ва ҳаддан ташқари ҳис-ҳаяжон, тўйғу, завқ, ғиғир жисмоний меҳнатдан толиқиш ва бошқаларда организмнинг жуда кўп ресурслари сафарбар қилинади. Бунинг оқибатида қон босими кўтарилади, юрак уриши жуда ҳам тезлашади. Худди шу пайтда юрак мускулларида адреналин, нораддреналин ва шунга ўхшаш маҳсулотлар (катехоламинлар) кўпаяди. Натижада юрак қисқариши кучайиб, унинг кислородга бўлган талаби анча ортади. Медицина тили билан айтганда бу — кислородсиз оч қолган юрагнинг ижоси. Шундай пайтда киши кўкрагида оғриқ сезади, унинг ранги оқаради, тер босади. Бундай ҳолатда юрагнинг уриши баъзан тезлашади ёки секинлашади, айрим ҳолларда уришдан тўхтагандай туйилгани учун одам ҳатто ўлимни ҳам кўрмоқда. Бу ҳолатларнинг ҳаммаси беморга валидол таблеткаси, 1—3 томчи сазар, нитроглицерин таблеткаси ёки 1—3 томчи спирт аралашмаси каби оғриқни босувчи дори-дармон бериш билан ўтиб кетади. Касал ўрнида ётган бўлса уни безовта қилмаслик, кўл-оёғига грелка, чап кўкрагига медицина ходимлари бошчилигида горчичник қўйиш ва бошқа тегишли муолажа кўрсатиш керак.

Бундай аҳволнинг кўп марталаб такрорланиши юракни инфаркт миокардига олиб боради. Бу энди анча жиддий касаллик бўлиб, масалага малакали медицина ходими аралашувини тақозо қилади, акс ҳолда кўнгилсиз оқибатлар билан тугайди. Шундай экан юракни бу даражага олиб бормаслик керак, бу эса ўзимизга боғлиқ. Аввало, суҳбатдошимизга одоб билан хушмуомалада бўлайлик, хушхулқ, хушфеъллиққа интилайлик. Чунки, дағал муомала, айтилган бир оғиз қўпол сўз дил ойнасини чил-чил қилади. Халқимиз «Тиғ яраси — битса-да, тил яраси битмайди», деб бекорга айтмаган. «Митти паҳлавон» — юрак ҳазилни ёқтирмайди — у билан ўйнашиб бўлмайди. Шунинг учун ҳам юрагингизни суиистеъмол қилманг! Уни спиртли ичимликлар, кашандалик билан заҳарламанг, уни ҳаддан ташқари толиқтириб қўйманг! Акс ҳолда кейинги пушаймоннинг фойдаси бўлмайди. Чунки, ғишт қолипидан кўчган бўлади. Нғвогар, майдагап, ўзига бино қўйган ғаламис ва қитмир одамлардан узоқроқ юрган маъқул.

Меъёрида, тўғри ва турли-туман таомларни истеъмол қилиш, жисмоний машқ, саёҳат, соф ҳавода сайр қилиш, организмни чиниқтириш, ҳар қандай вазиятда ҳам ўз-ўзини бошқара билиш — ҳар бир кишининг юрагини, қолаверса, бутун соғлигини сақлашнинг муҳим шартидир.

Ж. РАСУЛИЙ,
Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бўлими марказий поликлиникасининг бош врачи.

И. ОРИФЖОНОВ,
медицина фанлари кандидати.

СОВЕТ КИШИСИНИНГ ФАЗИЛАТИ

ОЛАМДА ЯХШИЛАР КЎП

Тошкент Давлат университети филология факультетининг баҳаво аудиторияларидан бирини сиртдан таълим олаётган сўнгги курс талабаси ҳисобланади. Лекин университет остонасига қадам босиб, мароқли лекциялар эшитишга боролмайди. Тўғма шол касаллиги уни уйидан чиқармайди. Кутбихон бахтсиз касаллик чангалида таслим бўлиб, тақдирга тан бериб қўядиганлардан эмас. Унинг қалби ҳамиша ёруғ умидларга ҳамдам. Дугоналари, тенгқурлари уни ёлғиз қўйишмади. Шулар ёрдамида Тошкент шаҳар, Ленин районидаги 122-ўрта мактабни битириб олди. Илмга ташналик уни Тошкент Давлат университети филология факультетига йўллади. Мана, олти йил ҳам ўтиб кетди. Бугун-эрта олий маълумот эгаси эканлиги ҳақидаги дипломни ҳам қўлига олади. Бу, бир чеккаси, юксак инсоний матонат самарасидир. Лекин Кутбихон ҳаётидаги ёруғ кунларнинг, у эришган камолотнинг асосий сабабчилари — одамлар, совет кишиларининг олижаноблиги, жамиятимизнинг буюк ғамхўрлигидир. Мана шулар Кутбининг қалбига куч, руҳига ҳаёт бағишламоқда.

Кутбихон ўрта мактабдаги ўқувчилик йилларини эслайди. Меҳри буюк муаллимларидан А. Раззоқов, М. Қозиев, Р. Йўлдошевнинг номларини тилидан туширмайди. Мурғак қизча тўшакдан бош кўтаролмай ётган йилларда улар уйига келиб муттасил машғулотлар ўтказардилар, Кутбини керакли дарсликлар ва бошқа ўқув қуроллари билан таъминлаб турардилар.

Университетда ўқиш йилларида у одамларнинг меҳрибонлигини яна бир карра чуқур ҳис қилди. Группадошлари Кутбиларникига ҳар куни келиб туришади. У билан китобхонлик қилишади, суҳбатлашадилар. Мана шу дўстлари, дугоналари ёрдамида ора-орада кутубхоналарга, кино-театрларга бориб туради. Университетнинг адабиётчи, тилчи, тарихчи, философиядан дарс ўтувчи ўқитувчилари унинг уйига келиб машғулотлар ўтказишди, имтиҳонлар қабул қилишди.

Баъзан Кутбининг ўзи ҳам университетга бориб туради. Қандай қилиб денг? Уни давлатимиз «Запорожец» енгил автомашинаси билан таъминлаган. Мана шу машинада Кутбихон университет ҳовлисига келиб, ҳамкурслари, ўқитувчилари билан кўришиб туради.

Кутби Мусамуҳамедова — шеърият шайдоси. У баҳорни, она-Ватанни, ҳаёт гўзаллигини, инсонга муҳаббатни қўйловчи анчагина яхши шеърлар яратган. Унинг қатор шеърлари республика газета ва журналларида ҳам эълон қилинган. Студентлар даврасида унинг ёзганлари тез-тез муҳокама қилиб турилади. Бу суҳбатлар, муҳокамалар унинг ижодий ўсишида катта мадад бўляпти.

Кутбихон Мусамуҳамедова шу кунларда охирги курс имтиҳонларини топширяпти. Давлат имтиҳонларига қизғин тайёргарлик кўрмоқда. Ҳар галгидай, ҳурматли ўқитувчилари, ҳамкурслари унга парвона.

— Менинг дилимга малҳам бўлаётган, руҳимни парвариш этаётган куч — одамларнинг чексиз меҳр-муҳаббати, давлатимизнинг ғамхўрлиги, — дейди Кутбихон. — Бу катта ғамхўрликни ҳар куни, ҳар лаҳзада ўз тақдиримда яққол сезиб турибман. Оламда яхши одамлар кўп. Мен улардан миннатдорман.

Е. ДУСТМУҲАМЕДОВА.

ҲАР ТЎҒРИДА

ЭНГ КЕМШИК ЭЛАТ

ЛОНДОН. Шотландияликлар дунёдаги энг кемшик миллатдир. Ўз ватандошларининг тишини текширган шотландиялик мутахассис медиклар ана шундай ачинарли хулосага келдилар.

Буюк Британиянинг шу шимолий қисмидаги 16 ёшдан ошган жами аҳолининг 44 процента ҳамма тишидан маҳрум бўлган, фақат иккі процентининггина барча тишлари соғлом эканлиги аниқланди. Бунинг сабаби ҳозирча маълум эмас, бироқ врачларнинг фикрича, Шотландия аҳоли жон бошига қанд-шакар истеъмол қилиш жиҳатидан дунёда олдинги ўринлардан бирида турганлиги, яъни бу ердаги ҳар бир киши йилига 50 килограмм қанд-шакар истеъмол қилиши бунинг асосий сабабларидан бири эканлиги эҳтимолдан ҳоли эмас.

Редактор ўринбосари Х. ЕДГОРОВ.

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР

БИЗНИНҲ АДРЕС: 700.000, ГСП, ТОШКЕНТ, «Правда Востока» кўчаси, № 26 * ТЕЛЕФОНЛАР

Коммутатор — 330249 дан 330258 гача

Эълонлар — 33-42.

Р. 03507. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64583. Б. — 174.